*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 8 (20. 275) • 1989 йил 10 январь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

# ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетида 6 январь куни фан ва маданият арбоблари билан учрашув бўлиб ўтганлиги хабар қилинган эди. Қуйида учрашув ҳақидаги ҳисоботни беряпмиз.

## *М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи*

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети раҳбарияти номидан сизларни самимий табриклаб, Янги йил билан қутламоқчиман, ҳаммаларингизга биргаликда ва ҳар бирингизга алоҳида-алоҳида эзгу зафарлар тиламоқчиман.

Бу йил биринчи бор ўтказилаётган мазкур учрашувга илм-фан аҳлларининг ва санъаткор зиёлиларнинг намояндаларини бир мақсад билан: мамлакат учун, ҳозир ўз тараққиётининг масъулиятли босқичида турган жамият учун энг муҳим масалалар ҳақида гаплашиб олиш мақсадида таклиф этдик. Шунга ўхшаш учрашувларни мунтазам ўтказиб турибмиз. Аввалги учрашувларда кўпларингиз қатнашгансиз. Ишчилар билан ҳам, деҳқонлар билан ҳам, илм-фан, бутун маданият жабҳаси намояндалари билан ҳам учрашувлар бўлди, чамаси, матбуот ходимлари билан жуда тез-тез учрашиб турибмиз.

Буларнинг ҳаммаси одат тусига кириб, анъана бўлиб қолди. Бу учрашувлар ҳамиша мазмундор ўтаётганидан, уларнинг ҳар бири муҳим аҳамиятга молик бўлганидан мамнунмиз. Биз тўрмушимизнинг турли масалалари хусусида ўртоқларнинг фикрларини, уларнинг келажак ҳақидаги тасаввурларини ҳар сафар билиб бордик ва ишда шуларни эътиборга олиб келдик. Бу учрашувлар уларда қатнашган кишилар учун ҳам фойдали бўлди, деб ўйлайман.

Бу галги учрашувимизнинг битта жуда муҳим хусусияти бор. Бу учрашув ўтаётган вазият қайта қуриш жараёнлари кенг авж олганлиги билан характерланади. Бу жараёнлар энди турмушимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда, миллион-миллион кишиларга, уларнинг манфаатларига дахлдор бўлиб қолмоқда. Қайта қуриш халқ турмушининг ич-ичига сингиб бормоқда, у жуда катта ижтимоий кучларни, мамлакатимиз ихтиёридаги имкониятларни ҳаракатга келтирди, эҳтимол, биз қайта қуриш нималигини эндигина чинакамига тушунаяпмиз ва уни ўзига хос революция, деб атаганимиз тўғри бўлганини ишонч билан айта оламиз. Келгусидаги ишларнинг янгилигини ҳам, муаммоларнинг ўткирлигини ҳам, ва, албатта, жуда катта миқёсларни ҳам эндигина чинакамига ҳис эта бошладик. Ижтимоий онгда, одамларнинг ақл-идрокида нақадар мураккаб жараёнлар кечаётганини кўриб турибмиз. Ҳозир рўй бераётган ҳамма ишларга нисбатан халқимиз ғоят сезгирлик билан астойдил фикр билдирмоқда, бениҳоя зўр қизиқиш билан қарамоқда.

Рўй бераётган ишларнинг кўпи бизни қувонтиради. Аммо, адолат юзасидан шуни ҳам тан олиш керакки, кўп ишлар бизни ташвишга ҳам солмоқда. Мана шуларнинг ҳаммасини ўз вақтида таҳлил этиб, билиб олиш ва хулосалар чиқариш, сабоқлар олиш зарур. Халқимизнинг, давлатимизнинг тақдиридаги жуда кўп нарса қайта қуришнинг муваффақиятига боғлиқ эканини доимо ёдда тутиб, уни ишнинг кўзини билиб, янада дадилроқ ҳаракат қилиш билан олга силжитиш учун ҳам рўй бераётган воқеаларни идрок этиш зарур. Шу сабабли сизлар билан учрашувимиз мазмундор, муфассал ва жиддий бўлади, деб ўйлайман.

Бизнинг назаримизда, принципиал аҳамиятга эга бўлган баъзи масалалар хусусида гапириб ўтмоқчиман. Гапимни аввало, эҳтимол, сиз учун кутилмаган тарзда — кейинги вақтларда авж олиб кетган мунозаларнинг характеридан бошламоқчиман. Биз мунозаларни маъқуллаймиз, мен буни дарҳол таъкидлаб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Бу мунозаралар давом этиши керак, деб ҳисоблайман. Аммо бир гап бор: бизда ҳали мунозара маданияти ўрганиб олинган эмас, бироқ, такрор айтаманки, биз мунозараларни маъқуллаймиз, биз мунозара тарафдоримиз.

Мунозаралар жамоатчилик фикрини, жамият турли қатламларининг манфаатларини тўлиқроқ аниқлаб, ҳисобга олиш, қайта қуриш туфайли турмушимизга кириб келаётган жамики янги, илғор нарсаларни қўллаб-қувватлаш имконини беради. Айни вақтда у ёки бу салбий ҳолларни, хатоларни ўз вақтида пайқаб олиш, уларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик имконини ҳам беради.

Биз — самарали мунозаралар тарафдоримиз. Вазиятни таҳликали қилиб кўрсатмоқчи эмасман-у, аммо ҳозирги мунозаларнинг баъзи жиҳатлари бизни ташвишга солаётганини айтиб ўтмоқчиман. Масалан, гўё қайта қуриш бошбошдоқликка, ҳаддан ошишга, ҳамма нарсани инкор қилишга олиб боради, деган овозлар эшитилаётган бир пайтда биз бепарво кузатувчилар ҳолатида қолаверишга ҳақли эмаслигимизга аминман. Гўё қайта қуриш мамлакатнинг нормал ривожланишига хавф солаётган эмиш, гўё биз вазифаларни ҳал этиш методлари ва усулларини аниқлашдагина эмас, айни вақтда мақсадни танлаш ва ўртага қўйишда ҳам янглишиб кетган эмишмиз. Айрим кишилар пинҳона «эски яхши замонлар»ни қўмсай бошладилар, мамлакатга «қаттиқ қўл» керак, деган гаплар эшитилмоқда. Бундай кайфиятлар ҳис ва туйғуларидагина намоён бўлиб қолмай, айни вақтда муайян фалсафий ва ҳатто сиёсий белгилар ҳам касб этмоқда.

Халқимиз қайта қуришнинг қатъий тарафдори эканлигидан, жамиятни социалистик негизларда қайта қуриш тарафдори эканлигидан кейинги тўрт йиллик тажриба яққол далолат бериб турибди. Шундай бўлса-да, айрим кимсалар бу соҳада ҳам шубҳа-гумон уруғларини сочишга уринмоқдалар. Баъзи мунозаларда гўё қайта қуриш учун социализмнинг доиралари торлик қилади, деган масала қўйилмоқда. Аста-секин сиёсий плюрализм, кўп партиялилик ва ҳатто, хусусий мулкчилик тўғрисидаги фикр ҳам ўртага ташланмоқда. Гўё социализмнинг имкониятларини қайта қуриш орқали намоён этишнинг иложи йўқ, деган гап ҳам айтилмоқда. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам гап тузумимизга ва халқимизга, партиямизга, социалистик тартиб-қоидаларимизга ишончсизлик ҳақида бормоқда.

Ошкоралик баҳонаси билан КПССга ҳужум қилишга уринишлар бўлаётганлиги ҳақида ҳам гапирмай ўта олмайман. Қайта қуришни ишлаб чиқиб, таклиф этган, ҳозир демократиялаш соҳасидаги ишга бошчилик қилаётган, жамики қайта қуриш жараёнларини рағбатлантираётган ва ўзи ҳам чуқур янгиланиш даврини бошдан кечираётган ва, шу билан бирга, мамлакатимиз тараққиётининг мазкур бурилиш босқичида жуда муҳим бирлаштирувчилик, жипслаштирувчилик ролини ўйнаётган партияга ҳужум қилишга уринмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг нуқтаи назари мана бундай: бундай қарашларга қандай субъектив сабаблар асос бўлмасин, улар қандай вазиятлар тазйиқи остида вужудга келмасин, бундай қарашлар таг-тўғри билан хато бўлиб, халқ манфаатларига зиддир, моҳият эътибори билан қайта қуришга қарши қаратилгандир. Шу нуқтаи назар жамиятимиздаги устувор қайфиятни акс эттиришига аминман.

Қайта қуришни барбод қилиш, унга зиён етказиш истагидаги кимсалар партияга тош отмоқдалар. Биз қайта қуришни умуман тўғри фикрлаб, олиб бораётганимизга ишончим комил, бу гап биргина менинг фикрим эмас, биз асло бу йўлдан қайтмаслигимиз керак. Бунга ҳам ишончим комил. Қайта қуриш бизга бениҳоя зарур.

Муваффақиятларга маҳлиё бўлмаслик, эришилган натижаларни бўрттириб кўрсатмаслик керак, албатта. Аммо биз танлаб олган йўлни, жамиятни янгилаш йўлини шубҳа остига қўйиш учун ҳеч қандай асослар ҳам йўқ, умидсизликка, ғамгинликка ва, айниқса, саросимага тушишга асослар йўқ. Баъзи мунозараларда эса мана шундай кайфият намоён бўлиб қолмоқда. Биз вужудга келаётган вазиятга сергаклик билан баҳо бериб, истиқболни равшан кўриб, қатъият ва дадиллик билан олга бораверишимиз керак.

Умуман, ўртоқлар, жўшқин ўзгартувчилик жараёнида, ижтимоий турмушнинг эскирган шаклларини ва илгари вужудга келган сийқа усулларни парчалаб ташлаш жараёнида, изчил ислоҳотлар муҳитида рўй бераётган воқеаларга соғлом ақл-идрок билан реалистик баҳо бериш ғоят муҳимдир. Аниқроқ қилиб айтганда, ўтиш даврининг ҳамма жараёнларига, мураккаб ишларига диалектик ёндашмоқ керак.

Боя айтганимдек, бу жараён осонликча кечаётгани йўқ. У илдизлари ўтмишга бориб тақаладиган тобора янги-янги муаммоларни юзага чиқармоқда, уларнинг ҳақиқий ўткирлигини ошкор этмоқда. Дарҳақиқат, биз кўпгина муаммоларнинг чинакам ўткирлигини эндигина билиб олаяпмиз. Иқтисодий ва социал-сиёсий тараққиётга халақит берувчи тўсиқлар зўр қийинчилик билан бартараф этилмоқда. Тобора янги-янги муаммолар келиб чиқмоқдаки, уларни ҳал этиш осон бўлмаяпти. Бу ўринда хаталарга, нуқсонларга йўл қўйилиши мумкин. Шу аснода халқнинг тақдирини қадрламайдиган, халқ учун жон куйдирмайдиган кимсалар учун баҳона топилмоқда. Бундай кишиларнинг фақат эгри фикри бор ва уларнинг бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ.

Шундай бўлса-да, қайта қуриш, қийинчиликларга ва зиддиятларга қарамай, мутлақо олга бормоқда. Рўй бераётган жараёнларнинг асосий тенденцияси мана шу: қайта қуриш кучаймоқда, олга силжимоқда, ўзгартишларимизга чуқурроқ кириб бормоқда. Ўзим хато деб ҳисоблайдиган яна бир анчагина тарқалган мулоҳаза хусусидаги фикримни айтиб ўтмоқчиман: баъзи ўртоқларнинг, гўё биз мамлакатдаги қайта қуриш ишини тугал программасиз олиб бораётганимиз, нимага интилаётганимизни ва нимани хоҳлашимизни билмаяпмиз, деган даъвосини назарда тутаяпман.

Бизда қайта қуришнинг пировардигача ва икир-чикирларигача ишлаб чиқилган назарияси ва сиёсати бор, ҳозирнинг ўзидаёқ биз унинг ҳамма амалий йўналишлари юзасидан зарур қарорлар қабул қилдик, деб сизларга эслатишимга ва, айниқса, биз ўзимиз барпо этаётган жамиятнинг тўла манзарасини кўриб турибмиз, деб таъкидлашимга ҳожат йўқ, аммо биз ўз олдимизга қайта қуриш орқали социалистик жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш мақсадини қўйибгина қолмай, шу билан бирга бу жамиятнинг қиёфасини белгилаб ҳам олдик. Келгусида биз интеллектуал жиҳатдан кўп иш қилишимиз керак, албатта. Биз социализмнинг янги қиёфаси концепциясини ишлаб чиқишни давом эттиришимиз керак. Ҳозир биз айни шу иш билан машғулмиз. Биз қайта қуришнинг ҳамма йўналишлари соҳасидаги билимларни чуқурлаштиришимиз зарурлиги мутлақо тушунарли ва равшан. Аммо бизда қайта қуриш стратегияси ва сиёсати йўқлиги хусусидаги даъволар асосиз эканини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман.

Айни қайта қуриш назарияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш унинг биринчи босқичи асосий мазмунини ташкил этди. Шу муносабат билан баъзи фактларни шунчаки эслатиб қўймоқчиман.

Биз 80-йилларнинг ўрталарида жамиятимиз тушиб қолган вазиятни Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленумида чуқур таҳлил этиб, принципиал баҳолашга асос солдик. Ўшанда турғунликнинг акси тарзида ижтимоий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини ўртага қўйдик. Аммо шуни ҳам айтиб қўяй-ки, апрель Пленумининг ўзи ҳам аввалги йиллардаги жуда катта тайёргарлик иши асосидагина ўтказилиши мумкин эди.

Партияда, умуман жамиятда ҳам, шу жумладан, илм-фан, маданият соҳасида ҳам ўзгартишлар зарурлиги тушунчаси етилибгина қолмай, шу билан бирга, бу вазифани қай йўл билан ҳал этиш хусусида жўшқин фикрлаш бўлаётган эди. Акс ҳолда, апрель Пленумининг ғояси умуман қандай юзага кела олар эди? Биз материалистлар, диалектиклармиз-ку, ахир, шунинг учун ҳам ҳеч нарса ҳеч нарсадан пайдо бўлмаслигини ва ҳеч нарса ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмаслигини биламиз. Бинобарин, жамиятда қайта қуриш кайфиятлари бошланишидан аввал муайян таҳлилий фикр-мулоҳазалар, маънавий чамаси бўлган эди. Партияда, илм-фан, маданият соҳасида, кенг жамоатчилик доираларида мана шуларнинг ҳаммаси пишиб, етилиб келаётган эди. Янги ғояларнинг салмоқли потенциали вужудга келганини рўй-рост айтмоқ керак. Аввалгидек яшаб бўлмаслигини ҳаммамиз ҳис қилиб турган эдик.

Ҳақиқатан ҳам, сизлардан кўпларингиз билан Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан анча аввал ҳам неча марталаб шаҳсан учрашиб, мунозара қилишимизга тўғри келган эди. Биргина мен билан эмас. Николай Иванович, (Н. И. Рижковга мурожаат этади) шу мунозаралар асосида қанча ҳужжат ишлаб чиқилган эди?

**Н. И. Рижков.** Бир юз ўнта.

**М. С. Горбачев.** Николай Ивановичда ҳам, менда ҳам бир юз ўнта бир-бирига ўхшаш ҳужжат бор. Апрель Пленумидан анча аввалги даврда эди бу. Бу ҳужжатлар академиклар, ёзувчилар, йирик мутахассислар, жамоат арбобларининг хулосалари эди. Шу мунозаралар ва таҳлилларнинг натижалари апрель Пленумининг қарорларига ва ундан кейинги дастлабки тадбирларга асос бўлди.

1985 йил июнида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бағишлаб ўтказилган кенгашни эслатиб ўтишим керак, бу кенгаш қайта қуриш ва уни амалий равишда бошлаб юбориш вазифаларини англашда катта роль ўйнади. Агар аввалдан ўйлаб иш қилмаганимизда апрель Пленумидан кейин дарҳол шу қадар катта масала юзасидан кенгаш ўтказа олармидик? Бу кенгашни тайёрлаш учун апрель Пленумидан аввалги даврда Марказий Комитетнинг фан-техника тараққиёти масалаларига бағишлаб ўтказилмоқчи бўлган махсус Пленумига ҳозирлаб қўйилган материаллардан фойдаланилди. Ўшанда камина докладчи этиб тасдиқланган эди. Аммо ўша Пленум бўлмай қолди.

Партиянинг XXVII съездига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш муносабати билан қайта қуриш концепциясини ишлаб чиқиш анчагина кенг кўламга чиқарилди. Бу эса бизга жамиятни янгилашнинг пухта ўйланган комплекс программасининг асосий белгиларини съезд номидан совет халқига тақдим этиш имконини берди. Съезд ғоялари Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленумида янада равшанлаштириб берилди, унда партиянинг роли тўғрисидаги, демократиялаш йўллари ҳақидаги, кадрлар сиёсати тўғрисидаги масалалар диққат марказида олманг, катта-катта муаммолар бор эди!

Ўша йили ўтказилган июнь Пленуми бизни туб иқтисодий ислоҳот концепцияси билан қуроллантирди. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми ва Октябрнинг 70 йиллиги билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар тарихий йўлимизни идрок этишда муҳим роль ўйнади. Бу эса жамиятшунослигимиз ва айниқса тарихий фанлар учун кенг имкониятлар очиб берди. Марказий Комитет октябрь Пленумининг сиёсий йўл-йўриқларини амалга ошириш доирасида Сиёсий бюронинг қонунга хилоф равишда репрессия қилинган кишиларни оқлаш комиссияси иш бошлаб юборди.

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленумини ҳам тилга олмасам бўлмайди, унда қайта қуриш идеологияси тўғрисидаги масала кенг миқёсда қўйилди. Жамиятимизнинг шундан кейинги тараққиёти бунинг долзарб масала эканини тасдиқлади.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қайта қуришнинг ҳамма жараёнларини идрок этишнинг янги поғонасини бошлаб берди, шу асосда янгиланиш жараёнларини жўшқинлаштиришга ва оид муҳим сиёсий йўл-йўриқлар қабул этилди. Партия конференцияси сиёсий системани ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқканлиги унинг муҳим хизматидир. КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари, СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси, партиядаги ҳисобот-сайлов кампанияси ва халқ депутатларининг бўлажак сайлови сиёсий системани янгилашдаги амалий қадамлардир.

Мен айтиб ўтган нарсалар партияда қайта қуриш мақсадлари ва йўллари муҳокама қилиниши муносабати билан кучайиб бораётган ҳамма ишни ўз ичига олмайди. Бу — катта ишнинг асосий босқичларидир, холос. Қайта қуриш стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида бутун жамият амалий равишда қатнашганлиги эса — энг муҳимидир, ўртоқлар. Энг муҳим масалалар умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бинобарин, биз қайта қуриш назарияси ва сиёсатини шакллантиришнинг умумхалқ характери тўғрисида тўла асос билан гапира оламиз. Бу иш халқимизнинг бутун тажрибасини, жамики интеллектуал потенциалини бамисоли мужассамлаштирди.

Яна бир бор айтиб қўймоқчиман: бизга энди ҳамма нарса равшан, деб асло ҳисобламаяпмиз. Йўқ ва йўқ! Яқин орада биз КПСС Марказий Комитетининг аграр сиёсат масалаларига, мамлакатнинг истиқболдаги социал-иқтисодий тараққиёти концепциясига, миллатлараро муносабатларга бағишланган пленумларини ўтказамиз.

Қайта қуриш сиёсати ва назариясини ишлаб чиқиш фақат ички доиралар билангина чекланмади. У мантиқий равишда теварак атрофдаги дунёга янгича қарашларимизда ҳам ўз ифодасини топди. Бунинг ҳам ўз босқичлари бўлди, бу босқичлар бизни ҳозир янги сиёсий тафаккур деб аталаётган ҳамда ташқи сиёсатимизда амалий равишда рўёбга чиқарила бошлаган ва бутун дунёда катта шов-шувга сабаб бўлган сиёсатни ишлаб чиқишимизга олиб келди.

Мана энди сизларнинг олдингизга мен айтган гапларнинг ҳаммаси дарбадарликда адашиб юришга ўхшайдими: деган саволни тўғридан-тўғри қўймоқчиман. Қайта қуриш стратегиясини ишлаб чиқишда ҳам, уни амалга оширишда ҳам равшан мантиқ ва қатъий изчиллик бор. Шу сабабли, биз қаёққа бораётганимизни ва нима қилаётганимизни билмаймиз, деган даъво хусусидаги ҳар қандай бўлмағур гапларни улоқтириб ташлаб, ҳаммамиз қайта қуришни янада чуқурлаштириш ва идрок этишга, белгилаб қўйилган режаларни амалга ошириш соҳасидаги бунёдкорлик ишига фаол қўшилишимиз керак, деб ўйлайман. Назаримда, бу бирдан-бир тўғри хулоса бўлади.

Социал-иқтисодий соҳадаги вазиятни баҳолаш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам ҳозир жамиятимизда давом этаётган мунозаларнинг марказида турибди. Бу хусусда нима деса бўлади? Кейинги вақтларда аҳоли томонидан, оммавий ахборот воситалари томонидан, бир қанча олимлар томонидан вужудга келган вазият тўғрисида кўпгина танқидий фикрлар айтилмоқда. Бунда гап молларнинг, озиқ-овқатнинг етишмаётганлиги, навбат кутиб туришлар ҳақида, уй-жой муаммоси тўғрисида, хизмат кўрсатиш соҳасидаги, коммунал хўжаликдаги ва одамларнинг кундалик турмушига дахлдор бўлган бошқа соҳалардаги камчиликлар тўғрисида бормоқда. Гап камчиликларни танқид қилишдагина эмас. Одамлар буни қайта қуриш билан бевосита боғламоқдалар, гўё қайта қуриш иқтисодий ва социал соҳада ҳозирча ҳеч қандай наф бермаяпти, кўп ҳолларда вазият ҳатто ёмонлашди, демоқдалар. Умуман, гап жуда муҳим нарсалар ҳақида бораяпти. Мана шуларнинг ҳаммасини жиддий ва чуқур таҳлил этиш, холисона, ҳаққоний баҳолаш лозим.

Хўш, ишларнинг ҳақиқий аҳволи қандай? Агар умумий манзара олиб кўриладиган бўлса, ҳамма иш анча мураккаброқ, ўртоқлар. Шу муносабат билан экономикада ва социал соҳада рўй бераётган жараёнларни қисқача таърифлаб ўтмоқчиман.

Турли тармоқларнинг ривожланишини кўрсатувчи кўпдан-кўп рақамларни айтиб ўтирмайман. Фақат шуни айтмоқчиманки, бир томондан, ўтган йил, назаримда, дуруст кўрсаткичлар билан якунланди. Миллий даромаднинг ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари аввалги йилга ва XI беш йилликка нисбатан юқори бўлди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари анча катта бўлди, бу нарса ўз-ўзидан жуда муҳимлигини тушунасизлар.

Электроникада, машинасозликда, гарчи сустроқ бўлса ҳам, аммо чуқур ўзгаришлар бошланди — биз булардан тўла-тўкис қаноатланмаймиз. Фондларнинг самарадорлигига, материал сарфига ва шу кабиларга тааллуқли ишларнинг ҳаммаси яхшиланмоқда. Гарчи кўнгилдагидек бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда озиқ-овқат ва аҳолига аталган саноат моллари ишлаб чиқариш ҳам кўпайди. Ўтган йили товар оборот ҳам шундан аввалги кўп йиллар мобайнида мисли кўрилмаган миқёсда ошди. Аҳолига хизмат кўрсатиш юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Хуллас, истеъмол даражаси натура тарзида ҳам, шу жумладан аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳам кўтарилди.

Қайта қуриш социал соҳани ривожлантиришга ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, беш йиллик режалари аниқ-равшан белгилаб қўйилган бўлса ҳам, биз медицина учун ҳам, таълим учун ҳам маблағ топдик, уй-жой қурилишини кенгайтириш учун ҳам қўшимча маблағ топдик. Шу сабабли, уй-жойлар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, клублар, маданият уйлари аввалгига нисбатан

(Давоми иккинчи бетда).

*26 март — СССР халқ депутатлари сайлови куни*

## ШАҲАРДА УНИ ҲАММА БИЛАДИ

**✦ Беруний шаҳри аҳолиси Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб СССР Халқ депутатлари тўғрисидаги янги Қонунда берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга қарор қилди. Уларнинг йиғилиши бу ерда қизғин ва манфаатдорлик билан ўтди.**

«Беруний» кинотеатрида шаҳар аҳолиси барча табақалари вакилларининг беш юз етмишдан ортиқ ишончли вакили тўпланди. Ўз фикрини айтиш истагини билдирувчилар кўп бўлди. Одамлар минбарга чиқиб ҳам, жойларида туриб ҳам гапирдилар.

Собир Раҳимов номли мактаб директори И. Рўзметов шундай деди:

— Район марказий касалхонаси бош врачининг даволаш қисми бўйича ўринбосари Роза Болтаевани халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қиламан. У мактабимизнинг ҳамиша фахри бўлиб келди ва малакали врач сифатида одамларнинг ҳурмат-эҳтиромини қозонди.

Район марказий касалхонаси бўлимининг мудири Ф. Есчанова, Титов номли мактаб ўқитувчиси А. П. Кухтюк, Берунийдаги 42-автокорхона ҳайдовчиси Р. Жуманиёзов ва бошқа кўпгина кишилар Р. Болтаева ҳақида яхши фикрлар айтдилар. Р. Болтаева шаҳар Советининг ташаббускор депутати ва истиқомат жойидаги депутатлар группасининг раҳбари. У социал-маиший масалаларни ҳал этишга актив кўмаклашади.

Роза Болтаевна Болтаева очиқ овоз бериш йўли билан 559-Беруний миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

**П. ВОДОЛАЗОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## Муаллимнинг ўй-ташвишлари

**✦ Учқўрғондаги 41-мактаб коллективи 584-Чортоқ территориал сайлов округидан ўқитувчи А. Шераливнни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Бу мазкур округдан СССР халқ депутатлигига кўрсатилган иккинчи номзоддир. Бундан ҳлгари Янгиқўрғон районидаги Навоий номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Назирахон Норматова ҳам номзод этиб кўрсатилган эди.**

Абдураззоқ Шераливев яқиндагина халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съездида қатнашиб, Москвадан қайтиб келди. У ўқув тарбия ишини такомиллаштириш учун янги режалар тузмоқда. Учқўрғон районида биринчи бўлиб олти ёшли болаларни ўқитишга киришди. Муаллимнинг тажрибасига кўпчилик қизиқиб қолди. Ҳозир бошланғич синф ўқувчиларини Шераливев қўллаётган ўқитиш методикаси областнинг бошқа мактабларида ҳам кенг қўлланилмоқда. А. Шераливев актив фаолияти учун Қори Ниёзов номли медаль билан мукофотланган. У халқ депутатлари район Советининг депутати сифатида ҳам ҳамкишлоқлари учун кўп ишларни бажарди.

Учқўрғон районидаги 41-мактаб меҳнат коллективи йиғилиши якдиллик билан қуйидаги қарорга келди: 584-Чортоқ территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига Абдураззоқ Шераливев номзод этиб кўрсатилсин.

**Н. ҲУЖАЕВА.**
**(ЎзТАГ).**

## САЙЛОВЧИ ЎЗИ КЕЛСИН

**Сайлов куни баъзан қизиқ манзара юз берарди. Бир даста таклифномани бир киши олиб келиб, бутун оила аъзолари учун бемалол бир ўзи овоз берарди. Бунга мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳар бир сайловчи сайлов участкасига ўзи келиб, овоз берсин. Агитаторлар сайлов кутисини сайлов участкасига кела олмайдиган огир беморлар, қариялар уйларигагина олиб боришларига йўл қўйиш мумкин. Шундагина у ёки бу гражданнинг Совет фаолиятига муносабатини аниқ била оламиз.**

**М. СОЛИЕВА,**
**педагог, Тошкент шаҳри.**

## *СССР Министрлар Советида*

СССР Министрлар Совети Президиуми 7 январдаги мажлисида СССР ҳукумати тузган комиссиянинг иттифоқдош республикаларда ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарлик қилишни қайта қуришнинг умумий принциплари лойиҳасини тайёрлаш юзасидан амалга оширган ишлари ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқди.

Мажлисда барча иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг Раислари қатнашдилар ва сўзга чиқдилар. Территориал бошқарувнинг сифат жиҳатдан янги иқтисодий механизмини барпо этишга, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш вазифаларини ҳал этишга, ҳар бир республиканинг манфаатларини мамлакатнинг умумий манфаатлари ва эҳтиёжлари билан узвий равишда боғлаш негизида совет социалистик федерациясини мустаҳкамлашга қаратилган комиссия ишлаб чиққан таклифлар батафсил ва ҳар томонлама муҳокама қилинди. Республика ва иттифоқ даражаларида хўжалик юритишнинг соҳалари ва вазифаларини белгилаб бериш тўғрисида муфассал фикрлашиб олинди.

Мажлис давомида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, ноозиқ-овқат моллларига, уй-жойга, хизматнинг хилма-хил турларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда территорияларнинг имкониятларини кенгайтириш ҳамда республика ва маҳаллий бошқарув органлари масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ бўлган бир қанча амалий таклифлар киритилди ва мулоҳазалар айтилди.

Мажлис қатнашчилари тақдим этилган ҳужжат лойиҳасида баён қилинган принциплар мамлакатда территориал бошқарувни тубдан такомиллаштиришнинг деярли барча жиҳатларини ўз ичига олишини якдиллик билан таъкидладилар.

СССР Министрлар Советининг Президиуми умумий принципларнинг лойиҳаси зарур тарзда пухта ишлаб чиқилгандан сўнг СССРнинг тегишли Қонун актини тайёрлаш учун асос сифатида қабул қилиниши мумкин, деган хулосага келди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Н. Н. Слюньков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар А. В. Власов, Ю. Д. Маслюков, Н. В. Тализин қатнашдилар.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков олиб борди.

(ТАСС).

## *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида*

## СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси халқ анъаналарини, революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини, байрамлар ва маросимлар ўтказишни янада такомиллаштириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашда уларнинг ролини ошириш муаммоларини ўрганувчи ишчи группа тузди. Баҳор, Наврўз Биринчи ҳосил байрамларини, Ҳосил байрамини, «Баҳодир паҳлавонлар», «Аскиябозлар», «Дорбозлар» кунларини, «Улоқ-кўпкари» от спорти байрамларини, шунингдек катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ва ҳозирча тарбиявий ишларда яхши фойдаланилмаётган бошқа урф-одатлар ва маросимларни нишонлашга қаратилган халқ анъаналарини тиклаш, уларнинг прогрессив йўналишини кучайтириш, маънавий вазифаларини чуқурлаштириш масалалари қўйилмоқда.

Байрамлар ва маросимларни социалистик мазмун билан янада бойитиш, уларнинг ғоявий ва маънавий асосларини кучайтириш, мавжуд сийқаси чиққан ва расмиятчилик элементларини бартараф этиш, халқнинг энг яхши анъаналарини тиклаш ҳақидаги таклифлар ва бошқа истаклар қуйидаги адресга юборилсин: 700163, Тошкент, Ўзбекистон проспекти, 43, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Анъаналар ва байрамлар муаммоларини ўрганиш группаси.

# ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

каттароқ ҳажмларда қуриб битказилмоқда ва ишга тушурилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси аҳолининг ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондиришга бевосита тааллуқлику, ахир.

Демак, ҳамма нарса кўпаймоқда. Аммо менинг гапимни эшитиб турибсиз, сизларда, хўш, буларнинг ҳаммаси қани? Нега магазинларда ҳали ҳам навбат кутиб турилибди, нега кўпгина зарур буюмлар камчиллиги ҳали ҳам камаймаяпти? — деган савол туғилиши табиий.

Мана шу ўринда, ўртоқлар, биз экономикадаги ҳозирги аҳволнинг энг муҳим масаласига — молиявий ҳолатга, пул муомаласига, пул маблағлари ва молларнинг мувозанатлилигига яқинлашиб келдик. Вазият беҳосдан пайдо бўлгани йўқ. Давлат бюджетининг камомади жамоатчиликдан зўр бериб яшириб келинган бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда мавжуд эди. Бу эса ўтмишдан бизга қолган энг оғир мерос, деса бўлади. Мана шу камомад бутун халқ хўжалигига асоратли таъсир ўтказиб келмоқда, албатта. Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида амалда ишлаб топилмаган пулни тўлайверишдек яроқсиз практика мамлакатдаги пул муомаласига жиддий таъсир қилар эди. Бу эса истеъмол бозорида жуда катта қийинчиликни келтириб чиқарар эди.

Кейинги 20 йил мобайнида аҳолининг даромадлари товарлар ишлаб чиқаришдан кўра тезроқ ошганлигини айтиш кифоя. Бу вазият кўп жиҳатдан инвестиция сиёсатидаги катта хатоликлар билан боғлиқдир, натижада маблағлар кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилди, бу эса қувватларни ишга тушириш муддатларини чўзиб юборишга олиб келди, зарур молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатларига халақит берди. Кўпгина маблағ эса унчалик зарур бўлмаган объектларни қуришга сарфланганини ҳам рўй-рост айтмоқ керак.

Стратегик хатоларга ҳам йўл қўйилди, чунончи, кўп ўн йилликлар давомида қишлоқ хўжалигига ҳам, енгил саноатга ҳам, озиқ-овқат саноатига ҳам, хизмат соҳасига ҳам дуруст эътибор берилмади. Экономикада ва, айниқса, истеъмол бозорида муаммолар кўпайиб бораётганини ҳаммамиз аллақачондан буён сезиб келганимизни ҳам айтмоқ керак. Хўш, бу муаммо қандай ҳал этилди? Нефтнинг вақтинчалик нархлари ва уни сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобига, вино-арақ ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига ҳал этиб келинди.

Афсуски, биз молия хўжалигидаги ва пул муомаласидаги ишларнинг аҳволини ўнглаб олишга ҳали муваффақ бўлганимиз йўқ. Вазият ҳатто кескинлашмоқда. Бу ҳол жаҳон бозорида нефть нархининг пасайиши билан ҳам боғлиқдир, нефть нархининг пасайиши оқибатида биз 1985—1988 йилларда 37 миллиард сўм кам пул олдик. Алкоголли ичимликлар сотишдан тушадиган пул ва даромадлар ҳам кескин камайди, шунинг натижасида биз мазкур даврда 49 миллиард сўм кам пул олдик. Тўғри, бу масала хусусида турли мулоҳазалар айтилмоқда. Баъзилар буни ҳозирги раҳбарият хатосининг натижаси, деб ҳисобламоқда. Буни асоссиз айблаш, деб ўйлайман. Биз мазкур йўлни ўтказишдаги баъзи янглишишлар ҳақидагина гапиришимиз мумкин, аммо йўлнинг ўзи тўғри. Бу хатоларнинг илдизлари олис ўтмишга бориб тақалади, ўтмишда ишларнинг аҳволи вино-арақ сотиш ва халқни ичириш ҳисобига тўғрилаб келинар эди. Бизда ичкиликбозлик асосида қонун бузиш қоллари ҳам, ўлдириш қоллари ҳам камайганига, оилалардаги, жамиятдаги, ишлаб чиқаришдаги вазият соғломлашганига ҳам бир назар ташланг. Баъзилар мамлакатда интизом бўшашиб кетди, деб айтмоқда. Маълумотлар эса мана шу ва бошқа сабабларга кўра прогул қилиш, ишга чиқмаслик қоллари ўтган вақт мобайнида бир ярим баравар камайганини кўрсатиб турибди.

Қўзда тутилмаган чигалликларни, масалан, Чернобиль атом электр станциясидаги аварияни ҳам биз кўрган зарарлар жумласига қўшмоқ керак. Энди Арманистондаги зилзила ҳам бунга қўшилди. Яширишнинг хожати йўқ: биз Афганистондаги вазият муносабати билан ҳам катта чиқим қилаяпмиз.

Аммо, манзара тўлиқ бўлиши учун ўзимиз йўл қўйган камчиликларни ҳам айтмоқ керак. Биз вазиятни яхшилаш учун ҳар ҳолда бундан кўра кўпроқ иш қилишимиз мумкин эди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари ончани юқори эканини боя айтиб ўтдим. Аввалги йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги 5,1 процент ошди. Аммо бошқа гапни ҳам айтмоқ керак: бултур иш ҳақи 7 процент, яъни меҳнат унумдорлигидан анча тезроқ ошди. Бунинг оқибати нима бўлишини ўзингиз тушунасизлар.

Биз инвестиция сиёсатига зарур тузатишларни киритиш, капитал қурилишда тартиб ўрнатиш вазифаларини жуда суст ҳал қилаяпмиз. Рўй-рост айтганда, аввалига иш юришди, сўнгра бўшашувчанликка йўл қўйдик. Бунга аввало марказий раҳбарликнинг камчилиги, деб ҳисоблайман. Биз чала қолган объектлар миқдорини камайтириш бир ёқда турсин, ҳатто уларнинг кўпайишига йўл қўйдик. Ҳозирча корхоналардаги материал ресурсларининг запаслари жуда кўп, ахир бу миллий даромадни ҳаракатсиз қолдиришдан бошқа нарса эмас. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақида айтилган гаплардан ташқари шу молларни ишлаб чиқариш планлари бажарилмай қолганини ва бу моллар бозордаги кескин вазиятни эътиборга олганда, ҳали ҳам кам эканини таъкидлаб ўтиш керак, албатта.

Иқтисодий ислоҳот ҳали чинакамига амалга оширилмаганини ҳам ўз камчиликларимиз жумласига қўшмоғимиз керак, деб ўйлайман. Биз чиқимдорлик экономикаси механизмини пировардигача бартараф этганимиз йўқ. Хўжалик юритишнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва, аввало, ижарага, хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиш ҳали ҳам суст бораётганлигини тан олишимиз лозим. Жамиятда бу жараёнларга ҳали ҳам қаршилик қилинмоқда. Инсоннинг ишлаб чиқаришдаги янги мавқеи, мулк билан алоқанинг янги характери кўп кишилар учун ғайриодатий бўлиб чиқди. Зеро, биз инсоннинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувига барҳам беришни, инсоннинг хўжайинлик туйғусини яна ривожлантиришни, унинг шахсий имкониятларини намоён этишни ҳоҳлаймиз.

Масалаларнинг мана шу бутун мажмуаси йил охирида Сиёсий бюронинг икки кунлик мажлисида ҳукумат аъзолари, план-молия органларининг, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида жуда синчиклаб муҳокама қилинди. Бу муҳокамани СССР Министрлар Советининг 14 январда бўладиган кенгайтирилган мажлисида йил якунларини муҳокама қилиш чоғида давом эттиришни ўйлаяпмиз. Туб иқтисодий ислоҳот принципларини турмушга фаол тадбиқ этиш ва экономикамиздаги салбий ҳолатларни бартараф этиш учун бундан буён қандай йўл тутишимиз, ҳозирги реал вазиятда қандай ҳаракат қилишимиз керак? — деган саволга ҳам асосли жавоб топишга интилиб кўрдик.

Шу муносабат билан айта оламанки, 1989 йил туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда бу жиҳатдан жуда муҳим босқич бўлади. Моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари тўла ҳажмда хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципларига ўтказилади. Бу — осон вазифа эмас. Шу сабабли, биз экономикадаги қайта қуриш жараёнларини ривожлантиришга ҳалақит бераётган ҳамма тўсиқлар қатъият билан олиб ташланадиган тарзда иш тутмоғимиз керак.

Кооператив ҳаракатни, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш муносабати билан келиб чиққан ҳодисалар ҳақида кўп фикр юритдик ва бу хусусда ҳам тегишли қарорлар тайёрлаб қўйилди. Бу қарорлар, бир томондан кооператив ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, шу билан бирга, бу муҳим ишдаги хатоликларнинг олдини оладиган зарур воситаларни яратишга ҳам қаратилгандир. Бу соҳада биз оқилона ишлашимиз керак. Биз кооператорлар билан қандай иш тутиш тажрибасини унутиб юборгандик. Ҳолбуки, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ва умуман Россияда бу соҳада каттагина тажриба бор эди. Ҳатто урушдан кейин ҳам саноат кооперацияси мавжуд бўлган пайтда шундай тажриба бор эди. Энди биз ўша тажрибаларнинг ҳаммасини эсга олишга ва бундан ташқари, социалистик мамлакатларга ҳам, Швеция, Норвегияга ҳам бориб, кооперация механизми у ерларда қандай ишлаётганини, бу жараёнлар қандай бошқарилаётганини кўриб келишга мажбур бўлдик.

Хуллас, биз мана шу ишларнинг ҳаммасини қилаверамиз, ўртоқлар. Фан-техника тараққиётини ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларни ҳар тарафлама олга силжитиш лозим. Бу соҳада ҳам модернизациялаш йўлига кирган меҳнат коллективлари учун афзаллик яратиб беришни кўзлаб, рағбатлантирувчи тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади. Бирон-бир тарзда модернизациялашга ва янги маҳсулотни, янги технологияни ўзлаштиришга жалб этилаётган корхона иқтисодий жиҳатдан мураккаброқ аҳволга тушиб қолмоқда. Демак, механизмимиздаги ҳамма нарса пухта ўйланган эмас. Ҳозир шу соҳадаги таклифларни тайёрлаяпмиз. Бизда иқтисодий вазиятга қараб дарҳол ўзгартириладиган, талаб қилинаётган тармоқларни, айни шундай фаолият турини рағбатлантирадиган ва, аксинча, юлғичликни жазолайдиган солиқ сиёсати механизми пухта ишлаб чиқилмаганини тан олмоқ керак.

Публицистлар, иқтисодчиларнинг шу масалага оид материалларини ўқисангиз, ҳамма муаллифлар ҳам ўткир танқидчи экани маълум бўлади, амалий таклифлар эса оз. Бу — бизнинг иллатимиз, бу иллат учун ҳеч кимни айблаш керак эмас: аввал бундай таклифларга ҳожат йўқ эди, социал буюртма ҳам бўлмаган эди. Аммо биз яхшироқ яшашни, ишни яхшироқ юритишни хоҳласак, демак, амалий фикрлашни ўрганиб олишимиз ҳам керак.

Улгуржи савдога, корхоналар ўртасида бевосита алоқаларга ўтишни жадаллаштириш кераклигини турмуш кўрсатиб турибди. Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш ва аграр секторидаги социал аҳволни ўзгартириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш — биринчи галдаги ишимиздир. Бизнинг шу хусусдаги мулоҳазаларимиз моҳияти сизларга маълум, шу сабабли масаланинг тафсилотига берилмоқчи эмасман. Дарвоқе, яқин орада КПСС Марказий Комитетининг шу муаммоларга бағишланган махсус Пленуми бўлади.

Авж олиб кетган мунозарада нарх белгилаш ва нархларни қайта кўриб чиқишни ислоҳ қилиш масаласи айниқса ўткир қилиб кўтарилди. Бу — иқтисодий ислоҳотнинг энг муҳим ва принципиал масалаларидан бири эканини айтмоқ керак. Бу масалани тўғри, илмий асослаб ҳал этмай туриб, замонавий, самарали, чиқимсиз иқтисодий механизмни вужудга келтириб бўлмайди. Аммо, шу билан бирга, айни шу масаланинг ўзи иккинчи томондан меҳнаткашларнинг аҳволига тааллуқлидир.

Бу хусусдаги мунозара нимани кўрсатди? Биринчидан, баъзи ўртоқлар бир неча ой мобайнида ўз фикрларини икки-уч мартадан ўзгартиришга улгурдилар. Буни мен таъна қилиш учун эмас, балки бу нақадар мураккаб масала эканини тасдиқлаш учун айтяпман. Ҳатто билимдон кишилар ҳам муаммонинг моҳиятига узил-кесил ҳеч етиб бора олмайганликларини кўриб турибсизлар. Марказ шаънига жуда кўп даъволар айтилмоқда. Нега у индамай турибди, демоқдалар. Аввало, марказ индамай турмаганини айтиб ўтмоқчиман. Марказнинг бу хусусдаги принципиал позицияси маълум ва бу позиция ўзгаргани йўқ. Биз нарх белгилаш масалаларини ҳал этиш чоғида меҳнаткашларнинг турмуш даражаси пасайишига йўл қўймаслигимиз кераклигига асосланяпмиз. Бу энг муҳимидир. Мана шу нархларни ва нарх белгилашни ислоҳ қилиш вақти ҳамда ўтказиш суръатларини танлаб олиш биз учун жуда муҳим эканлиги равшан. Биз мана шуларнинг ҳаммасини синчиклаб чамалаб кўришимиз: уни қайси муддатларда ва қандай суръатлар билан ўтказишимиз кераклигини аниқлашимиз лозим.

Шуни айтишим керакки, марказнинг «пинҳона найрангларги» хусусидаги ҳамма гаплар, марказда яна ишни яшириш тарзда ўтказиб, халқнинг доғда қолдиришмоқчи, деган ҳар қандай шубҳа-гумонлар буларнинг ҳаммаси масъулиятсизлик билан қилинаётган чайқовчиликдир. Масала жуда жиддий муаммога тааллуқли эканлиги сабабли, таъбир жоиз бўлса, фикр-мулоҳазаларнинг масъулияти ҳақида баъзи бировларга эслатиб қўйиш керак. Ҳозир чуқур ўйлаб иш олиб борилаётганини, унда олимлар, мутахассислар, жамоатчилик вакилларининг кенг доиралари қатнашаётганини назарда тутиш лозим. Бу хусусда жиддий таклифлар тўпланганида биз уларни албатта умумхалқ муҳокамасига қўямиз. Бу масалалар пинҳона ҳал этилмайди. Буни мен бутун масъулият билан яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ўтган йили фан-техника, структура ва молия сиёсати муаммоларини ҳал этишда марказнинг ролини ҳам кўп жиҳатдан равшанлаштириб берди. Бу масалаларнинг ҳаммасини қўлда маҳкам тутиш керак. Марказ ўзининг тўғри, илмий асосланган қарорлари билан экономикамизни ривожлантиришда йўл қўйилган бузилишларни тузатиш ҳамда туб иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан амалга ошириш учун ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитларни яратиши лозим. Бунда гап бюрократизм усуллари ҳақида борма-ётганлигини тушуниб турибсизлар. Йўқ, масала шундаки, илм-фанга таяниб, объектив жараёнларни кўра билиш, умумий иқтисодий характердаги қарорларни ўз вақтида қабул этиш керак.

Бизга кучли марказ керак. Экономикамизнинг характери, давлатимизнинг федератив характери шуни тақозо этади. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни, регионларнинг манфаатларини уйғунлаштиришни, республикаларни ривожлантиришни асослаб бериш лозим. Марказсиз бу иш номатлуб тус олиши мумкин ва ҳатто, бу ишни қилишнинг иложи ҳам бўлмайди. Бу ўринда марказнинг роли билан жойларнинг ташаббуси, мустақиллиги нисбатнинг диалектикасини тўғри тушуниш муҳимдир.

Амалий жиҳатдан айтиладиган бўлса, бозорнинг мутаносиблигини таъминлаш ҳамда молиявий муносабатларни тартибга солиш марказнинг сира ҳам нечиктириб бўлмайдиган ва ўткир вазифасидир. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, эҳтимол, бунда биз анча кескин, қатъий чора-тадбирларни ҳам кўришга мажбур бўлсак керак, ана шу чора-тадбирлар, аввало, бизнинг бюджетга алоқадор харажатларимизга, жумладан, халқнинг социал эҳтиёжларига бевосита алоқадор бўлмаган баъзи катта программаларга қилинадиган сарф-харажатларга дахл қилади. Масала шу қадар ўткир бўлиб турибдики, биз ўзимизнинг мудофаага қилаётган сарф-харажатларимизни ҳам кўриб чиқишимиз лозим бўлади. Бу масалани дастлабки тарзда ўрганиб чиқиш биз давлатнинг хавфсизлик ва мудофаа қобилияти даражасини пасайтирмасдан ана шу сарф-харажатларни камайтира олишимизни кўрсатмоқда. Бу нарса бошқа соҳаларга ҳам дахл қилади. Биз, корхоналарнинг зарар кўриб ишлашини қачонгача бюджетдан пул билан таъминлайверамиз, деган саволга жавоб қайтаришимиз керак.

Пировард натижада эса қайта қуриш тақдири меҳнат коллективларининг, хўжалик кадрларининг, бутун партиямизнинг туб иқтисодий ислоҳот йўлини амалга ошириш борасидаги фаолиятига боғлиқдир. Ҳозир амалий, бунёдкорлик иши олдинги ўринга чиқмоқда. Буни биз ҳаммамиз англаб олишимиз керак, ўртоқлар, Митинглар дилхушлик билан ўтади, аммо қайта қуриш олга силжиши учун бизнинг барча интеллектуал кучларимизни кундалик ишларга қаратиш зарур.

Тугаган йил демократиялаш жараёнлари кенгайтирилибгина қолмай, балки чуқурлаштирилган йил сифатида бизнинг хотирамизда ва тарихда қолса керак. Бу, аввало, сиёсий ислоҳотни амалга оширишга, ҳуқуқий давлатни барпо этишга реал равишда киришилганлик билан боғлиқдир. Биз ўтмишдан сабоқ олиб тарихимизда рўй берган ва социализмга ғоят катта зиён етказган, унинг инсонпарварлик принципларини бузган ва шу тариқа олга томон ҳаракатга кўп йиллар ҳамда ўн йиллар мобайнида тўсқинлик қилган барча салбий ҳодисалар такрорланмаслиги учун гарантияларни вужудга келтирмоқдамиз. Аввалги тажриба ҳам, кейинги йилларнинг тажрибаси ҳам революцион ўзгартиш-ларнинг муваффақияти халқ бу жараёнга қанчалик реал жалб этилганига боғлиқ бўлишини кўрсатмоқда. Вазифани эса сиёсий системани тубдан ислоҳ қилмай туриб, ҳал этиш мумкин эмас.

Биз мамлакатдаги барча ижтимоий муассасаларнинг фаолиятига кенг социалистик демократия принциплари асосида янги мазмун, янги характер бағишлашимиз лозим.

Биз XIX партия конференциясига ҳозирлик кўраётганимизда қайта қуришнинг яна бир фронтини очиш керакми ёки йўқми, буйруқбозлик-демократик структурани парчалаш керакми ёки йўқми, деган савол аслида бизнинг олдимизда турмаган эди. Ҳаётнинг ўзи бизни шунга олиб келиб қўйди. Шу боисдан бизга, бир йўла шунча ишга киришишнинг ҳожати бормикан, дейишганида бундай мулоҳазаларни зиммамизга кўп вазифаларни бир вақтда ҳал этиш юки тушганлиги хусусидагина тўғри деб эътироф этиш мумкин. Аммо биз сиёсий ислоҳотни ва бошқа вазифаларни ҳал этишни кечиктириб туриш мумкин эди, аввалига иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, одамларнинг қорнини тўйғазиш лозим эди ва ҳоказо, деган фикр-мулоҳазаларни асоссиз, деб ҳисоблаймиз.

Эҳтимол, унча хабардор бўлмаган киши учун бу жозибали ҳамдир. Аммо масалани бундай қўйиш сиёсий ва илмий нуқтаи назардан енгилтакликдир. Агар устқурмамиз ишга тушмаса, буйруқбозлик-бюрократик системани емириб ташламасак, энг муҳим иқтисодий муаммоларни ҳал эта олмаймиз. Лекин уни қандай емириш керак? Баъзи бировлар 1937 йилги машъум тажрибадан фойдаланишни — «улоқтириб ташлашни», «бульдозер билан текислашни» ва ҳоказоларни таклиф этмоқдалар. Йўқ, биз ҳеч қачон бундай қилишишга йўл қўймаймиз. Биз шундай механизмларни яратишимиз кераккки, ана шу механизмлар ўзиниўзи созлайдиган, бунинг учун ишлаб чиқилган таклифларни эса СССР Олий Советининг сессияси қабул қилди.

Ўртоқлар, буларнинг ҳаммасини мен нима учун айтяпман? Юқоридаги воқеаларгина эмас, балки қайта қуришнинг бутун тажрибаси шуни яққол кўрсатиб турибди-ки, партия қайта қуриш ғояларининг мужассам ифодачиси ва уларни амалда рўёбга чиқаришнинг кафили сифатида ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Шу гапларни айта туриб, манзарани асло безаб кўрсатмоқчи эмасман. Йўқ. Сиёсий авангард сифатида партиянинг роли мураккаб, зиддиятли вазиятда, фикрлар тўқнашаётган вазиятда рўёбга чиқарилмоқда, албатта. Фақат битта, энг асосий фикрни айтиб ўтмоқчиман, холос, чуқур ўзгартишлар босқичида биз назарий, мафкуравий, ташкилий жиҳатдан кучли, ленинча принциплар асосида, мулоқотни, фикрлар қиёсланишини ҳам, халқ олдидаги ғоят буюк масъулиятни ҳам тақозо этадиган кенг ички партиявий демократия асосида иш кўрадиган партияга яна ҳам кўпроқ муҳтожмиз.

Партия сиёсий системани қайта қуришда ишни ўзидан бошлаши кераклиги мутлақо мантиқийдир. Биз сиёсий авангард сифатида партиянинг роли ва имкониятини намоён этиш, халқ ҳокимиятининг чинакам органлари сифатида Советларнинг илк характерини қайта тиклаш мақсадини кўзлаб, ишни партия, хўжалик ва совет органлари ўртасидаги вазифаларни аниқ белгилаб қўйишдан бошладик. Бутун партия турмушини қайта қуриш ҳам айни мана шу нуқтаи назардан олиб борилмоқда, сайлаб қўйиладиган органларнинг роли оширилмоқда, район комитетларидан бошлаб то КПСС Марказий Комитетигача партия аппаратининг структураси такомиллаштирилмоқда. Кези келганда шуни айтиш керакки, партия Марказий Комитетининг аппаратини 40 процент қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинди ва бу борадаги ишларнинг анчагина қисми ҳозирдаёқ бажариб қўйилди. Марказий Комитет комиссиялари тузилди, партия аппаратининг функциялари ўзгартирилди: улар сиёсатга йўналтирилган.

Партия ташкилотларини соғломлаштириш жараёни актив давом этмоқда. Коммунистларнинг ташаббускорлиги, уларнинг принципиаллиги, талабчанлиги ой сайин кучайиб бораётганлигини, яқиндагина танбаллар қаторига қўшиб келинган кишиларнинг кўпчилиги ҳозир янги шароитда қайта қуришнинг барча ишларида фаол қатнашаётганликларини кўриб турибмиз.

Муҳити жиҳатидан ҳам, мазмуни жиҳатидан ҳам, қарорларни муҳокама этиш ва қабул қилишда, сайлаб қўйиладиган органларни тузиш чоғида коммунистларнинг фаоллиги жиҳатидан ҳам партияда бундай ҳисоботсайлов кампанияси анчадан буён бўлмаган эди. Ҳамма иш ҳам исталганидек бораётгани йўқ, албатта, аммо вазият мутлақо ўзгача. Кадрларни янгилаш, янгиланганда ҳам кенг демократия принциплари асосида янгилаш жараёни ўтмоқда. Шуни айтиш кифояки, дастлабки маълумотларга кўра, район ва шаҳар комитетларининг составида тахминан 60 процент, область ва ўлка комитетларининг составида эса ялик процентдан кўпроқ янгиланди. Сайлаб қўйиладиган партия органлари секретарлари ва бюроси ўртасида ҳам анчагина ўзгаришлар содир бўлди. Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг учдан бир қисми илк бор сайланди, уларнинг ҳар иккисидан бири бир неча номзод орасидан танлаб сайланди. Шу асосда шаҳар ва район партия комитетлари секретарларидан 1.117 киши, бир қанча обком секретарлари, шу жумладан, биринчи секретарлари ҳам сайланишди. Шуни айтиш керакки, кўпгина конференцияларда вазият жуда ўткир бўлди. Делегатлар номзодларга нисбатан юксак талаблар қўйишди, бир қанча ҳолларда эса секретарлар ва ҳатто биринчи секретарлар ҳам овозга қўйилди.

Ҳисобот-сайлов кампанияси ўз аҳамиятига кўра умумпартия воқеаси доираси билан чекланиб қолмади, деб ўйлаймиз. Бу кампания мамлакатдаги бутун қайта қуриш жараёнларига янги омил бахш этади, дейиш мумкин. Бу — халқ депутатларини — ўзларининг биринчи съездида ғоят катта аҳамиятга молик қарорларни қабул қилиши, давлат ҳокимияти марказий органларининг фаолият механизмига туб ўзгартишлар киритиши ва айни вақтда 2005 йилгача бўлган иқтисодий ҳамда социал тараққиёт истиқболларини муҳокама қиладиган кишиларнинг номзодини кўрсатиш юзасидан авж олиб бораётган кампаниянинг яхши бедочасидир.

Қолаверса, умуман бошланган йил сиёсий ислоҳотни кенгайтириш ва чуқурлаштириш жиҳатидан жуда тиғиз йил бўлади. Биз ислоҳотни иккинчи босқичига — давлат органларини чуқур қайта қуриш, республикалар, автоном тузилмалар статусини такомиллаштириш, марказ билан жойлар ўртасида ўйғун ўзаро муносабатлар ўрнатиш босқичига чиқиб олишимиз керак. Шу хусусда муҳим қонунлар қабул қилиш лозим бўлади, уларни ишлаб чиқишда жойларнинг мустақиллигини ошириш ҳамда регионал хўжалик ҳисоби принципларига ўтиш муносабати билан барча республикаларнинг вакиллари иштирок этмоқдалар.

Ва ниҳоят, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқилишидаёқ муҳокама қилинди. Ҳозирча бу лойиҳа кенг муҳокамага тайёр эмас, аммо яқин вақт ичидаёқ у муҳокамага қўйилади.

Кузда иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларига, маҳаллий Советларга сайлов ўтказилади ҳамда жойлардаги янги ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш системаси тузилади.

Ҳуқуқий ислоҳот доирасида ҳар томонлама иш олиб борилмоқда. Бунда ҳам оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, ёшлар ҳақидаги, виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари, жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ва бошқа қонунлар чиқарилиб, тез орада умумхалқ муҳокамасига тақдим этилади. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунга келганда, шуни айтиш керакки, бу қонун матбуот кўпроқ дадиллиги ҳам, кўпроқ масъулиятни ҳам ҳис этиши учун яхши негиз бўлиши керак ва лозим, деб ўйлайман.

Ўртоқлар, биз қандай масалани кўриб чиқмайлик, фактларни шунчаки қайд этиш билан чекланиб қолиш мумкин эмас, албатта. Умуман жараён диалектикасини кўра билиш муҳимдир. Манзара қанчалик зиддиятли бўлмасин, қайта қуриш жараёнлари кучайиб турмушнинг барча соҳаларини янгилаш тенденцияси тобора кўпроқ намоён бўлиб бораётганлиги барибир кўзга ташланмоқда. Бу тенденция мустаҳкамланмоқда, энг муҳими эса кенг кўламда қўллаб-қувватланмоқда. Ана шу жараёнларнинг ривожланишига кўмаклашиш — партиянинг, барча сиёсий, ижтимоий муассасаларнинг, фанимиз ва маданиятимизнинг вазифаси, деб ўйлайман.

Ўз миқёси, кўлами ва теранлиги жиҳатидан мислсиз қайта қуриш жараёнлари ижтимоий онгдаги жиддий силжишлар билан узвий боғланган. Қайта қуриш жараёнларининг зиддиятлилиги уларнинг идрок этишнинг ҳамда одамлар манфаатларининг мураккаблиги ва ҳар—хиллиги билан бирга кўшилаётганлиги-замонамизнинг реаллигидир. Ижтимоий онг ҳам турмушнинг ўзида содир бўлаётганига ўхшаш бурилишни бошидан кечирмоқда. Айтиш мумкинки, қайта қуришга қаратилган революцион ўзгартишларни одамларнинг ижтимоий онгини, психологиясини, тафаккурини тубдан ўзгартирмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Бунда эса бизнинг илмий зиёлиларимиз ва санъаткор зиёлиларимизнинг роли, бинобарин эса масъулияти ҳам мислсиз. муҳимдир.

Зиёлилар қайта қуришга ғоят катта ҳисса қўшганликлари тўғрисида, қайта қуришни бутун вужуди ва қалби билан қабул қилган, давлат кемамизни янгиланишнинг мусаффо, кенг сувига олиб чиқиш зарурлигини англаган кишилар қайта қуришнинг маънавий ўзанини талай даражада очиб бораётганликлари ҳақида мен неча марталаб айтиб ўтганман ва учрашувимизда яна бир бор айтишни лозим, деб ҳисоблайман.

Жамиятда содир бўлаётган барча жараёнларга жуда катта таъсир ўтказаётган янги манъавий-сиёсий муҳитни вужудга келтиришга олимлар, маданият арбоблари қўшаётган ҳиссани партия юксак қадрлайди. Биз талай даражада ана шу куч-ғайратлар туфайли кўп йилдан буён бир қолипда фикрлашни, қотиб қолган дунёқарашни парчалаб ташлашга, жамиятдаги сиёсий лоқайдликни бартараф этишга муваффақ бўлдик. Бунда ҳеч қандай муболаға йўқ, зотан мен буларнинг ҳаммаси тўғрисида сизларга ёқадиган гапларни айтиш учун эмас, балки бундан буён ҳам қайта қуриш миқёслари кенгайиб бориши муносабати билан халқ интеллектуал кучларининг, биринчи навбатда зиёлиларнинг роли ошиб бораверишини таъкидлаш учун гапиряпман.

Бунда фаолият майдони торайиб бориши у ёқда турсин, балки муттасил кенгайиб бормоқда, демоқчиман, Гап шу ҳақда боряптики, биз социализм тўғрисидаги, жамиятимизнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига ўтишдан иборат ғоят катта тарихий вазифани ҳал этиш йўллари ҳақидаги янги тасаввурларни шакллантириш масалаларига таллуқли назарий тадқиқотларимизни чуқурлаштиришимиз лозим.

Илмий билимлар ва илм-фаннинг иқтисодий вазифаларни ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси ортиб бормас экан, биз қайта қуришнинг муваффақиятига умид боғлай олмаймиз. Билимларнинг ўзёки бу тармоқларини ажратиб кўрсатмоқчи эмасман. Биз ижтимоий фанларни ҳам, табиий фанларни ҳам, техника фанларини ҳам айниқса фундаментал тадқиқотларни ривожлантириб боришимиз муҳимдир. Халқ таълими соҳасида катта ишларни, туб ислоҳотни амалга ошириш лозим. Бу ишлар турмуш билан, жамиятни соғломлаштириш билан баравар олиб борилиши керак.

Биз жамиятимизни юксак интеллектуал ва ахлоқий қадриятлар асосида янгилашни амалга ошираётганимизда маънавий соҳадаги жуда катта ишларни бажармай иложимиз йўқ. Қайта қуриш умуман инсонни марказга қўяди. Бутун маданий ютуқларимиздан фойдаланиш ва уларни янги ютуқлар билан бойитиш биз учун ҳозир ҳар қачонгидан муҳимдир.

Қайта қуришнинг маданий қатлами бўшлиқда, яланглиқда яратилаётгани йўқ. У халқларимиз, жамиятимиз бутун кўп йиллик тарих мобайнида, революциядан кейин ўтган сўнгги 70 йил мобайнида эришган нарсаларнинг ҳаммасини ўзига сингдириб олмоқда, деса бўлади. Шу муносабат билан биз ўз тарихимизга тааллуқли тадқиқотларни кенг жабҳада авж олдириб юборишимиз лозим. Халқнинг барча энг яхши ютуқларини қабул қилиб олиш ва шу билан бирга келгусида хатоларга йўл қўймаслик мақсадида аччиқ тажрибани англаб етиш учун тарихга мурожаат этишда ижобий нарсадан бошқа ҳеч нимани кўрмаяпман.

Шуни айтиш керакки, ўртоқлар, жамиятнинг маънавий турмуши бизда ҳеч қачон на фақат зиёлиларнинг, балки бутун халқнинг ҳам шу қадар фаоллиги, манфаатдорлиги, амалий иштироки, формаларнинг хилма-хиллиги билан фарқ қилмаган эди, дейиш мумкин. Ахлоқни мустаҳкамловчи, инсонни улуғловчи кўпгина янги, мароқли нарсалар турмушга сингди. Буларнинг ҳаммаси бор гаплар, ҳам бизнинг катта ютуғимиз, қайта қуришнинг улкан ғалабасидир. Аммо ана шу чуқур, кенг миқёсли жараёнлар бошқа соҳаларда ҳам, маънавий турмушда ҳам жўн бораётгани йўқ, кўпинча зиддиятли тусда бўлиб, тўғрисини айтганда, бизни хавотирлантираётган ва ҳатто ташвишга солаётган ҳодисалар ҳам юз бериб турибди.

Жўшқин жараён, шу жараён чоғида ижтимоий тараққиётнинг қотиб қолган ақидалари ва схемаларидан воз кечилаётганлиги, ижтимоий муносабатларнинг бир қолипдаги ўзгармас формалари, қайта қурилаётганлиги, халқнинг буюк потенциал кучлари ошкоралик ва демократия орқали уйғотилаётганлиги баъзи кимсаларнинг тинчини бузиб, саросимага солиб қўйди. Маънавий ва ахлоқий қадриятлар барбод бўлмоқда, деган овозлар эшитилмоқда. Ваҳолонки, гап айни ўша қадриятларни қайта тиклаш тўғрисида борянти, деб ўйлайман. Баъзан ҳатто биз оз бўлмаса социалистик принциплар ва идеаллардан чекиняпмиз, деган гапларни эшитишга тўғри келяпти. Бизга шуни шама қилишмоқдаки, хўжалик ҳисоби, ижара, пудрат, кооперация-экономикада оз бўлмаса социализм позицияларидан воз кечиш эмиш, ҳолбуки, биз айни мана шу ва бошқа формалар орқали социалистик мулкчиликдаги, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларидаги ғоят катта имкониятлардан фойдаланишни, ётсирашни бартараф этиб, инсонни ишлаб чиқариш соҳиби мавқеига қайтаришни истаймиз.

Қайта қуриш гўё экономикада, социал, миллатлараро муносабатларда муаммолар ва қийинчиликлар келтириб чиқарди, деб шунчаки чўчитишга уринишлар ҳам бўлиб турибди. Аммо биз буларнинг ҳаммаси ўтмишдан мерос бўлиб қолганини, йиллар мобайнида йиғилиб борганлигини, қайта қуриш эса хаспўшлаб келинган эски иллатларни фақат очиб ташлаганлигини яхши биламизку, ахир. Бинобарин, қайта қуришнинг ана шу нозик муаммолар билан боғлиқлиги тўғрисида гапириладиган бўлса, ўйлайманки, қайта қуриш бизга ана шу муаммоларни англаш, унинг сабабларини тушуниш ҳамда уларни ҳал этиш усулларини топиш имконини бериши жиҳатидангина гапириш мумкин.

Экстремистлар, ҳар хил масъулиятсиз унсурлар қайта қуриш жараёнида текинхўрлик қилишга 

# ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРАЙЛИК

**(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).**

нинг барча соҳаларида унинг ихлосини қайтарадиган, шахснинг қадр-қимматини ерга урадиган формалари номақбулдир. Лекин биз учун «рўёбга чиқмаган социализм», «муваффақиятсиз эксперимент», социализм оз бўлмаса ўтмишдаги мавжуд деформацияларга айнан ўхшаш, деган мулоҳазаларнинг илмийлигига даъволар ҳам номақбулдир.

Шу боисдан биз учун жамиятимизни янада ривожлантириш йўлларининг энг янги рецептлари, ўзга қадриятлар асосида тузилган йўл-йўриқлар баб-баравар даражада номақбулдир. Буни қайта қуриш, деб бўлмайди. Ахир, биз социализмнинг имкониятларини қайта қуриш орқали намоён этишни, жамиятимизга янги сифат бағишлашни истаяпмиз-ку. Бизга таклиф этилаётган нарсалар эса тарихий йўлимизга, халқимизнинг социализм идеалларига содиқлигига ва халқнинг жамиятни ленинча принциплар асосида, чинакам социалистик қадриятлар асосида қайта тиклаш қобилиятига ишончсизликдан бошқа нарса эмас.

Умуман, кўриб турганимиздек, қайта қуришни «ўнгдан», консерватив позицияларда туриб танқид қилиш билан унга «сўлдан» қилинаётган хуружлар пировард натижада туташиб кетмоқда. Агар биз ҳар иккала даъватга амал қиладиган бўлсак, жамиятимизни янгилаш, уни прогрессив тарзда ривожлантириш йўлидан бориш, олға ҳаракат қилиш эмас, балки орқага қайтиш керак бўлади. Ахир, бу аслини олганда бизнинг социалистик йўлимизни ҳам, қайта қуришнинг моҳияти ва мақсадини ҳам инкор этиш-ку. Мана шуларнинг ҳаммасини англаш, олға томон ҳаракатимизнинг истиқболларини идрок этиш, тушуниш — партиянинг ҳам, жамиятдаги барча интеллектуал кучларнинг, илмий зиёлиларимиз билан санъаткор зиёлиларимизнинг ҳам ғоят катта масъулиятидир. Илмий зиёлилар билан санъаткор зиёлиларнинг овозига қулоқ солишади, уларнинг обрў-эътибори билан ҳисоблашишади.

Шу муносабат билан ижодкор зиёлилар ўртасида вужудга келган мутлақо нормал бўлмаган муносабатлар тўғрисида гапирмай ўта олмайман. Айрим жуда ҳурматли ўртоқлар бир-бирларидан ўч олишга, бир-бирларини айблашга берилиб кетдилар, бир-бирини қора қилиб кўрсатиш учун кичкинагина баҳонани ҳам ишга солмоқдалар. Бунинг устига, мана шуларнинг ҳаммаси газета ва журналларнинг саҳифаларига олиб чиқилмоқда, бу эса халқни ранжитиб, хафа қилибгина қолмай, балки ғазаблантирмоқда ҳам. Ғоят катта бунёдкорлик вазифаларини ҳал этиш талаб қилинаётган бурилиш вазиятида шундай ҳол содир бўлмоқда.

Бу ҳақда ишчилар нима дейишаётгани ва ўйлашаётганини Москвадаги «Калибр» заводида яқинда билдирилган фикр-мулоҳазалар кўрсатиб турибди. Одамлар ҳайратланиб: биз севиб ҳурмат қилаётган айрим • ёзувчиларимиз, олимларимиз бизни уятга қўйишмоқда, дейишмоқда. Келинг, шу кенгашда келишиб олайлик: жиззакиликни йиғиштириб қўйиб, халқ тўғрисида, мамлакат тўғрисида ўйлайлик.

Эътиборимизга улкан янги ишларнинг ғоят катта юки тушган ҳозирги пайтда кучларимизни жипслаштириш, уларни қайта қуриш муаммоларини ҳал этишга, яна бир марта айтишим керакки, бунёдкорлик ишларига имкони борича кўпроқ қаратиш ҳар қачонгидан кўра зарурдир. Биз ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, жипслаштириш эмас, балки принципиал асосда, социалистик қадриятлар асосида, жамиятимизни янгилашга, социализмга чинакам инсонпарварлик тусини бағишлашга қаратилган қайта қуришни қўллаб-қувватлаш асосида жипслашиш тарафдоримиз. Келинг, мана шу ҳақда ўйлайлик ва мана шу йўлда ҳамма ишни қилаверайлик.

Бу нарса бизнинг ёндашувларимизни, кенг демократиялашга, ошкораликка, фикрларнинг социалистик хилма-хиллигини қарор топтиришга қаратилган йўлимизни бекор қилмайди. Гап қандайдир «давр ларни алмаштириш» тўғрисида борадиган йўқ. Бу — партия Марказий Комитетининг доимий принципиал йўлидир. Биз социалистик плюрализмдан, бизнинг қадриятларимизга асосланадиган, турли манфаатларни, бирон-бир муаммоларни идрок этиш хусусиятларини ифода қилувчи позицияларни изҳор этиш учун кенг имконият очадиган айни социалистик плюрализмдан асло воз кечаётганимиз йўқ. У ҳақиқатни излаб топиш учун, мамлакатимиз тараққиётининг мана шу масъулиятли босқичида хатоларга йўл қўймаслик учун энг яхши шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда.

Айрим ўртоқлар аслида фикрлар хилма-хиллигининг ўзига қарши чиқиб, бу ғўё позициялар йўқлигини билдиради, одамларни чалғитади, жамиятда тартибсизлик уруғини сочади, дейишаётгани менга мутлақо тушунарсиздир. Фикрлар хилма-хиллигига бундай қарашлар янглишишдан бошқа нарса эмас, деб ўйлайман. Чунки фикрлар тўқнашганда, қарашлар таққосланган тақдирдагина ҳақиқатни топиш, тўғри хулосаларни таърифлаш мумкин.

Фикрларнинг хилма-хиллиги битта нуқтаи назарни тиқиштиришни асло билдирмайди. Айтмоқчиманки, бу кўпроқ турли фикрларнинг йиғиндиси бўлиб, биз унинг асосида ҳақиқатга яқинлашамиз. Агар мунозараларнинг ҳозирги аҳволи тўғрисида гапириладиган бўлса, биз кўпинча бирғаликдаги интеллектуал ишни, фикрлашувларни кўрмаяпмиз, йўлни бирғаликда излаб топишда фикрга туртки беришга уринишларни кўраётганимиз йўқ, балки улар «гуруҳ-гуруҳ бўлиб , муштлашиш»ни кўпроқ эслатади. Ҳамма демократия учун курашаётганга ўхшайдию, ўзлари эса мухолифлардан ўч олишнинг муштни ишга солиш усулларига даъват этишади.

Афтидан бунга талай даражада мунозара маданиятининг пастлиги сабаб бўлса керак. Аммо фақат шунинг ўзигина сабаб эмасдир. Гуруҳбозлик майллари ҳаддан ташқари кучли. Мана шу майллар кўпинча нормал ижодий мунозарага, фикрлашувларга халақит қилмоқда. Ҳар бир томон қаршн томоннинг нуқтаи назарини номақбул, йўл қўйиб бўлмайдиган «кирдикорлар»дан бошқа нарса эмас, деб билмоқда. Бундай мунозаралар самарали бўлиши мумкинми, ахир?

Умуман, ўртоқлар, биз ҳаммамиз фикр юритишимиз лозим бўлган нарсалар бор. Қайта қуриш учун, мамлакат тақдири учун халқ олдидаги муштарак масъулиятимизни англаш ана шу фикр-мулоҳазаларнинг бошланғич нуқтаси бўлиши лозим.

Фикрлар хилма-хиллиги тўғрисида гапирганда шу масаланинг яна бир муҳим жиҳатини ҳам тилга олмай ўтиш мумкин бўлмаса керак. У ҳам принципиал, ҳам ахлоқий аҳамиятга эга. Биз социалистик фикрлар хилма-хиллигининг хусусиятлари тўғрисида гапирганимизда, аввало, фикр юритишдаги масъулиятни назарда тутамиз, бу эса биринчи навбатда билимдонликни ҳамда фактларнинг ишончлилигини тақозо этади. Афсуски, бизнинг оммавий ахборот воситаларимизда шошма-шошарлик билан чиқарилган асоссиз хулосалар ва фикр-мулоҳазаларни оммалаштиришга интилиш кузатилмоқда, баъзи бировлар эса шов-шувга сабаб бўладиган материалларга берилиб кетди. Очиғини айтишим ҳам керакки, кўп ёлғон-яшиқлар пайдо бўлди. Одамларни асоссиз равишда камситиш ва таҳқирлаш фактлари жуда кўп. Энг муҳими эса, ҳамма ва ҳамиша ҳам ўз номини ҳимоя қилиш имкониятига эга эмас. Биз ўтмишимизни ҳам, ҳозирги давримизни ҳам виждонан идрок этишга, жамиятни ривожлантириш илмий истиқболини кўрсатиб беришга, унинг маънавий муҳитини қатъиян соғломлаштиришга уринаётган ҳозирги даврда шундай нарсалар содир бўлмоқда. Биз мақолаларнинг асосли бўлиши учун масъулиятимизни кўп карра оширишимиз шарт.

Оммавий ахборот воситалари, ошкоралик тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш чоғида мана шуларнинг ҳаммаси эътиборга олиниши лозим. Аммо юксак ахлоқли, виждонли кишига, партия аъзосига албатта қонун керакми? Агар кимда-ким фикрлар хилма-хиллигини инсон шу тариқа масъулиятдан халос бўлади, деб тушунаётган экан, бунга биз қатъиян қўшилмаслигимиз ва демократиянинг кўпроқ бўлиши — масъулиятнинг ҳамиша кўпроқ бўлишидир, ҳуқуқларнинг кўпроқ бўлиши — ҳамиша мажбуриятларнинг ҳам кўпроқ бўлиши демакдир, деб тўппа-тўғри айтишимиз керак. Бу тушунчалар ҳамиша ёнма-ён туради. Менинг хавотирланаётганимга қўшиласизлар, деб умид қиламан, шу хавотирликни мен сизлар билан самимий, ўртоқларча баҳам кўряпман.

Миллатлараро муносабатлар тўғрисидаги масалани принципиал жиҳатдан тилга олиб ўтмоқчиман. Ҳозир Совет Иттифоқи жаҳон ҳамжамиятида ноёб ҳодиса, шундай бир давлат сифатида намоён бўлмоқдаки, унда шу жараённинг барча мураккабликлари ва қийинчиликларига, йиғилиб қолган ва ўткирлашиб кетган муаммоларга қарамай, миллий масалани ҳал этишда ҳақиқатан ҳам ниҳоят катта реал ютуқлар мавжуддир. Бизнинг бутун тажрибамиз — ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибамиз миллий сиёсатимизнинг принциал асосларини таърифлаб берган В. И. Ленининг ниҳоятда зукколигидан далолат беради. Биз ленинча принципларни изчиллик билан рўёбга чиқара борганимизда ғоят катта ижобий ўзгаришларга эришган эдик. Аксинча, бу принциплардан ҳар қандай чекинишлар вазиятни чигаллаштирди, миллатлараро муносабатларни нормал ривожлантиришга халақит қилди.

Аммо ҳар қалай биз бугун миллатлараро муносабатларда бизни ташвишлантираётган кўпгина ҳодисаларга дуч келганлигимизнинг асосий сабабларидан бири — қайсидир босқичда шуҳрат нашидасини суриб, барча муаммолар ҳал бўлган, деб ҳисоблай бошлаганимизда бўлса керак, ҳатто миллатларни амалда қўшиб юбориш тўғрисида таклиф ҳам киритилган эди. Бир вақтлар баъзи илм-фан арбобларининг тазйиқига зўр қийинчилик билан қарши туришимга тўғри келган эди, улар ҳозир амалда бўлган партия программасига ана шу хатарли йўл-йўриқни тиқиштиришаётган эди.

Қайта қуриш бунда ҳам реал манзарани кўришга ёрдам берди. Реалликларни ана шундай билиш эса ҳозир бизга мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларни, уларнинг экономикаси, тили ва маданиятини ривожлантиришга тааллуқли йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишнинг тўғри йўлларини топишда бизга ёрдам бермоқда. Тўғри, бу жараён кўпинча зиддиятлар билан ўтмоқда. Бу аввало яна ижтимоий онгда миллатлараро муносабатларни ифода этишдаги мураккаблик билан боғлангандир.

Биз бунда шундай ҳаракат қилишимиз керакки, қайта қуриш давомида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш мақсадида таклиф этиладиган барча ижобий нарсаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш лозим, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан инсоний муносабатларнинг мазкур соҳасига дахлдор олимларимизнинг, ижодкор зиёлиларимизнинг масъулиятли ва амалий таклифларини қўллаб-қувватламоқчиман.

Ҳа, биз Марказий Комитетдагилар шунга асосланамизки, қайта қуришнинг муваффақияти йиғилиб қолган муаммолар қандай бартараф этилиб, ҳал қилинишига, Совет Иттифоқига бирлашган халқлар қардошлиги қандай омиллар олишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Бу масалаларга бағишлаб Марказий Комитетнинг махсус Пленумини ўтказиш зарурати ҳам айни шундан келиб чиқди, бу Пленумга тайёргарлик ҳозирдаёқ кенг жабҳада олиб борилмоқда. Биз барча республикалардан, илмий, ижодий ташкилотлардан, жамоатчиликдан жиддий ва пухта ўйланган таклифларни кутамиз. Биз иттифоқимизга, халқлар ҳамдўстлигига лозим даражада жўшқинлик ва тегишли тус беришга қаратилган барча таклифларни, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, кўп миллатли давлатимизни ҳар бир республика ва умуман иттифоқни ривожлантириш асосида мустаҳкамлаш позициясида туриб киритиладиган ҳамма таклифларни маъқуллаймиз. Бир қанча амалий масалалар юзасидан ҳозирдаёқ шундай қарорлар қабул қилинган.

Бироқ биз қаёт ўртага қўяётган масалаларни идрок этиш ва ҳал қилишда баъзан кечикиб қоляпмиз. Бу нарса совет кишиларини қаноатлантирмаяпти. Улар таркиб топган иттифоқнинг, яхлит халқ хўжалиги комплексининг аҳамиятини, халқлар дўстлигининг аҳамиятини яхши тушунадилар ва ўзларини ҳамдўстликдан ташқарида ва муштарак социалистик хонадонимизни ривожлантириш учун, уни янглиш борасидаги вазифаларни ҳал этиш учун бирғаликдаги кураш ташқарида тасаввур эта олмайдилар.

Биз учун қайта қуриш миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш муаммоларини идрок этиш ва ҳал қилиш йўлини топиш имкониятини очиб берди. Аммо, баъзи жойларда бу нарса қайта қуришнинг ўзига, демократиялаш ва ошкораликка зиён етказадиган тус олди. Миллий муаммоларни ҳал этиш йўлидаги ижтимоий кайфиятларни баъзи кимсалар қайта қуришга қарши буриб юборишга уриниб кўрдилар. Аммо бу уриниш боши берк кўчага судрайди-ку. Шу йўл билан миллий муаммоларнинг ҳал этилишини барбод қилиш ва қайта қуришни заифлаштириш мумкин.

Миллатлар ва элатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга, миллатчилик эҳтиросларининг авж олишига олиб борадиган ҳамма нарсалар, миллий маҳдудликка ва мумтозликка қилинадиган ҳар қандай даъватлар, — булар мақбул эмас, бу ўринда экстремистлик чақириқлари ва шиорлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Башарти, шу номақбулликлар ёйиладиган бўлса, умумий ишимизга катта зиён етказган бўлур эди, қайта қуришнинг барча жараёнларини жуда жиддий қийинлаштирган бўлур эди. Буни ҳам рўй-рост айтмоқ керак.

Мен бугунги учрашувда мана шу фикрларни айтиш зарур, деб ҳисоблаганимнинг сабаби нима? Илм-фан аҳли ва ижодкор зиёлиларнинг позицияларига жуда кўп нарса боғлиқ. Афсуски, уларнинг ҳаммалари ҳам, шу жумладан, коммунистлар ҳам юксак даражада эмасликларини кейинги вақт кўрсатди. Энг ўқимишли кишилар миллий хусусиятни миллатчиликдан баъзан фарқ қила олмасликлари, интернационал хусусият билан миллий хусусиятнинг диалектикасини тушунмасликлари ошкор бўлиб қолди.

Буни бир даража шу билан изоҳлаш мумкинки, ўз зиёлилари бўлган ҳар бир миллат ўз маданиятини ривожлантириб, ютуқларини идрок этиб, ўз халқининг томирларига мурожаат қилар экан, бугунги муваффақиятларнинг манбаи қаердан бошланишини тушуниб олишни хоҳлайди. Бу — яхши, нормал бир ҳолдир. Бироқ. бирон-бир миллат маданият, тил, анъаналарни ривожлантириш зарурлиги ниқоби остида ўзини дафъатан «ўта устун миллат» деб эълон қилса, яхши бўлмайди. Натижада бундай ёндашув биқиқликка, бошқа маданиятлардан ўзини яккалаб қўйишга олиб боради.

Биз ҳатто энг кичик халқ ҳам йўқ бўлиб кетишига, ҳатто энг кичик миллат ўз тилидан маҳрум бўлишига йўл қўя олмаймиз, хоҳ катта, хоҳ кичик халқларнинг маданиятига, анъаналарига, тарихига нисбатан нигилизмга йўл қўя олмаймиз, албатта. Ёзда ўтказиладиган пленумда биз мана шуларнинг ҳаммасини тўппа-тўғри айтишимиз керак. Айтибгина қолмай, ҳуқуқий база яратишимиз, миллатлараро муаммоларни ҳал этишга иқтисодий ва социал ёндашувни ишлаб чиқишимиз лозим. Умуман биз йил сайин, ҳар беш йилликда, ўн йилликда одамларнинг янги авлодлари ҳаётга кириб келишини, улар эса бирданига интернационалистлар бўлиб туғилмаслигини, улар бирданига милатчилар бўлиб ҳам туғилмаслигини назарда тутишимиз керак. Улар сиёсий, интернационал мактаб сабоғини оладилар ва, бинобарин, буларнинг ҳаммаси жонли жараён бўлиб, доимо диққат марказида туриши керак.

Меҳнаткашлар бизнинг миллий сиёсат соҳасидаги ғалабаларимизни сақлабгина қолмай, шу билан бирга, бу ғалабаларни мустаҳкамлаш, уларга янги сифат бахш этишнинг ҳам астойдил тарафдори эканликларини айтмоқ лозим. Бизнинг жамиятимиз халқнинг овозига қулоқ солиши керак. Бизда кўпинча шундай бўладики, ўз позициясини таъкидлаш керак бўлганида халқни рўкач қиладилар, халқ у ёки бу ўртоқнинг даъвосидан фарқ қиладиган ўз фикрини айтганида эса, халқ ҳамма нарсани англаб олавермайди, ҳамма нарсани тушунавермайди, деган гапни айта бошлайдилар. Йўқ, халқ ҳеч кимнинг адашишига йўл қўймайди. Ўйлайманки, сиз билан бизнинг адашишимизга ҳам йўл қўймайди.

Бу ерда айтилган гапларнинг ҳаммаси аввало ички турмушимизга тааллуқлидир. Аммо қайта қуриш жуда катта халқаро аҳамиятга ҳам эгадир. Мамлакат юзлаб мамлакатлар ва халқлар билан чамбарчас боғланган ва ўзаро алоқа қилиб турибди. Партия XXVII съездининг зиддиятли, ўзаро қарам, ўзаро боғлиқ дунё ҳақидаги, янги реалликлар тўғрисидаги назарий хулосалари тўғрилигини кейинги вақтдаги халқаро воқеалар яққол исботлаб турибди. Дарҳақиқат, ҳозирги дунё шитоб билан ўзгармоқда. Инсон эҳтимол, ҳеч қачон шу қадар кўп муаммоларга дуч келмаган эди. Барча мамлакатлар ва халқлар олдида ҳеч қачон шу қадар кўп мураккаб вазифалар турмаган эди. Мана шу янги реалликларга эришмоқ учун тафаккур тарзини ҳам, эскирган фикрларни ҳам, аллақачон умри тугаган одатларни ҳам ўзгартириш лозим. Бу дунёда миллий чегаралар ташқарисида рўй бераётган ҳамма воқеалардан ажралган ҳолда яшаб бўлмаслигини биз ва ҳамма тушуниб олиши лозим.

Умумбашарий қадриятларнинг устунлиги, зўравонликсиз ва урушларсиз дунё, ижтимоий тараққиёт вариантларининг кўплиги, цивилизацияни ривожлантириш ва сақлаб қолиш манфаатлари йўлидаги мулоқот ва ҳамкорлик, дунёда янги тартиб ўрнатиш сари ҳаракат-инсоният олдига қўйилган қаёт амридир. Мана шуларнинг ҳаммасини англаш туфайли биз янги сиёсий тафаккурга етиб келдик.

Биз янги сиёсий тафаккур орқали замон реалликларини эътиборга олиб, жаҳон тараққиёти проблемаларини ҳал этишга янгича ёндашувлар ва янгича усулларни таклиф қиляпмиз. Бу — даъво ва таъма эмас, балки ҳаммани ҳамкорлик қилишга таклифдир.

Биз ўз масъулиятимизни кўриб турибмиз, табиийки, ўз манфаатларимизни ҳимоя қиламиз, аммо бошқаларнинг манфаатларини эътиборга олишга, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашишга тайёрмиз ва дунёдаги вазиятни яхшилик сари ўзгартириш учун, янги тафаккурга чиқиб олиш учун бошқа мамлакатларнинг ҳам масъулиятига умид қиламиз.

Биз принципларни ўртага ташлаб, таърифлаб бериш билан чекланмасдан, айни вақтда шу принципларни реал сиёсатда рўёбга ҳам чиқардик ва хавфсизлик ҳамда қуролсизланиш, регионал муаммоларни, «учинчи дунё» мамлакатларини ривожлантиришга тааллуқли муаммоларни, экология муаммоларини ва бошқа кўпгина масалаларни бартараф этиш соҳасига тааллуқли ишларда бир қанча муҳим тадбирларни таклиф қилдик.

Дунё хусусидаги янгича тушунчамизни тугал ва абадий ўзгармас деб ҳисоблашдан йироқман. Сирасини айтганда, биз ўз тасаввурларимизни, ўз сиёсатимизни доимо бойитиб боряпмиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида яқинда сўзланган нутқда айтилган мулоҳазалар ва таклифлар шу жиҳатдан янги қадамдир. Бизнинг янги сиёсий тафаккуримизни асослаш учун далил-исботларни батафсил баён қилишга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Аммо баъзи масалаларга эътиборни қаратиб ўтмоқчиман.

Ҳар ҳолда биз ҳозир умумбашарий қадриятлар билан синфий манфаатларнинг нисбати диалектикасини ишлаб чиқишда орқада қолдик. Фанимиз бу соҳада қиладиган ишлар бор. Мана шу қолоқлик маълум англашилмовчиликларга ва ҳатто, очиғини айтсак, социализмнинг позициялари бой бериб қўйилди, синфий ёндашувлардан ва миллий озодлик ҳаракатининг манфаатларидан воз кечилди, деган бемаъни айблашларга ҳам олиб бормоқда. Айни вақтда янги сиёсий тафаккурнинг ҳар бир халқнинг ўз йўлини танлаб олиш ҳуқуқи ва ҳар қандай давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби муҳим таркибий элементлари эътиборсиз қолдирилмоқда. Бугина эмас. Янги сиёсий тафаккур давлатлараро муносабатларни мафкурадан холи қилишни тақозо этиши маълум. Аммо бу нарса, баъзи бировлар талқин этмоқчи бўлганидек, халқаро муносабатларни мафкурадан холи қилишни асло билдирмайди. Йўқ, бу ишларнинг реал аҳволини — турли формадаги мулкчиликка, турли идеологияларга таянувчи социал системалар мавжудлигини тан олишдан воз кечиш бўлур эди. Биз икки ижтимоий система ўртасидаги тафовутларнинг чуқурлигини кўриб турибмиз, аммо бу давлатларнинг куч ёрдамида бир-бирига қарши туриши ва мухолифлиги учун баҳона эмас.

Биз, гарчи зиддиятли бўлса ҳам, бироқ кўп жиҳатдан ягона, яхлит дунёда яшаб турибмиз, битта цивилизация туфайли бирлашганмиз, жаҳоншумул муаммолар вужудга келиб, кескинлашиб бораётганлиги муносабати билан шу цивилизация жиддий синовларга дуч келмоқда. Бу эса ўзи танлаб олган социал йўлга содиқ бўлиб қолиш билан бирга ҳамкорликка, ўзаро алоқага ундовчи омилдир.

Биз янги сиёсий тафаккур позицияларида туриб социализмни ҳозирги замон цивилизациясининг таркибий қисми деб биламиз, бусиз инсоният тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Социализм ҳали ўз келажагига қомил ишонч билан қарайдиган жамият сифатида ўзининг жуда катта имкониятларини рўёбга чиқаришига ишонамиз ва бу ишонч илмий маълумотларга асосланади.

Янги сиёсий тафаккур эндигина одамларнинг онгига сингиб бормоқда. У турмушга сингиб кетиши учун сиёсатчилар, илм-фан ва ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик доиралари бирғаликда куч-ғайрат сарфлашлари лозим бўлади. Дарҳақиқат, ҳозир дунёнинг тақдири фақат сиёсатчиларнинг ҳаракат объектигина бўлиши мумкин эмас. У — жаҳон ижтимоий кучлари бирғаликдаги куч-ғайратларининг натижасидир.

Бу мураккаб ва қийин ишда ҳом хаёлга берилиш яраймайди, деб ўйлайман. Халқаро муносабатларни, хилма-хил манфаатларни эътиборга олиб, барпо этишнинг янги принципларини қарор топтириш соҳасида кўп йил сабот билан ишлаш керак бўлади. Ҳар ҳолда бир мамлакатнинг қарашларини бутун дунё ҳамжамиятига тиқиштиришдан иборат бўлган зўравонлиқ сиёсати даври абадулабад тугаб бормоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг ҳамма аъзолари буни нақадар тезроқ англаб олсалар, ҳаммамиз учун шу қадар яхши бўлади. Бунга ёрдам бериш — ҳаммамизнинг вазифамиз, ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ўртоқлар, учрашувимизнинг бошида айтмоқчи бўлган баъзи мулоҳазаларим мана шулардан иборат. Ўртамизда бафуржа фикрлашув бўлади, деб умид қиламан. Ҳар ҳолда биз шундан жуда манфаатдормиз.

* * *

Сўнгра учрашувда иштирок этган фан ва маданият арбоблари сўзга чиқдилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти **Г. И. Марчук** академияда қайта қуриш турмуш ўртага қўйган янги вазифалар билан боғлаш керак бўлган кадрлар сиёсатини ўзгартириш дан бошланди, деди. Кейинги вақтда СССР Фанлар академиясида 250 тадан 150 тага яқин директор амалда демократик йўл билан сайланди. Журналларнинг 100 га яқин бош редакторлари ўз фаолиятини бошлади. Барча бўғинларимизда демократиялаш бормоқда, Фанлар академияси ишининг услуби ўзгармоқда.

Илгари ижтимоий фанлар иккинчи ўринга қўйиларди ва жамиятшуносларга шарҳловчилар роли берилар эди. Энг ёмони шундан иборат эдики, қайта қуришни бир мунча фаолроқ олиб бориши мумкин бўлган ёш ўринбосарлар тайёрланмаган эди. Ҳозирги вақтда ижтимоий фанлар, айниқса экономика, социология жонланмоқда. Психология, этика ва жамиятни тараққий эттириш учун зарур бўлган бошқа фанларни ривожлантиришга оид ечимлар зарур. Агар табиий йўналишдаги фанларни оладиган бўлсак, бу соҳада ҳам турғунликдан келиб чиққан кўпгина муаммолар бор. Турғунлик даврида жамият турмушида илм-фан ва олимларнинг ролига узоқ вақт тўғри баҳо берилмади.

Шундан кейин СССР Фанлар академиясининг президенти олимлар билан матбуот ўртасидаги ўзаро муносабатларда мавжуд бўлган муаммолар тўғрисида гапириб, КПСС Марказий Комитетининг «Наука и высшая школа» газетасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мамнуниятини изҳор қилди. Мазкур газета олимлар минбари бўлиб қолади, жамиятнинг содир бўлаётган воқеаларини тўғри ва ўз вақтида баҳолашига имкон беради.

Сўнгра Г. И. Марчук иттифоқ академияси билан иттифоқдош республикалар Фанлар академияларининг куч-ғайратини интеграциялаш тўғрисидаги масалага тўхталди.

Биз қайта қуриш жараёнида ҳал этишимиз лозим бўлган муаммо, деди у, бундан 20 йилдан кўпроқ вақт илгари техникавий фанлар, жумладан ҳисоблаш техникаси, машинасозлик, энергетика соҳасидаги 103 институт Фанлар академияси составидан чиқарилганлигининг жуда катта салбий оқибатларини тугатиш билан боғлиқдир.

Ҳозир биз янги ҳуқуқий давлат сари бораяпмиз, янги сиёсий муассасалар ташкил этилмоқда. Бу муассасалар олимларни давлат даражасида ечимлар қабул қилиш ва уларни контрол қилишга фаол жалб этиш орқали фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга кўмаклашиши лозим. Бунинг учун қонун чиқарувчи органларимизга билимдон, профессионал ва қайта қуриш ишига астойдил содиқ кишиларни танлаб олишимиз керак.

Учрашув ўз вақтида ўтказилди, деди ёзувчи **Б. И. Олейник.** Биз ишнинг бошланишида мунозара маданиятини ўрганаяпмиз, деб сўзини давом эттирди у, нима ҳам дейиш мумкин, биз ўз давримизнинг фарзандларимиз.

Ўз соҳамиздаги келишмовчиликларга бирғаликда барҳам бериш даркор, чунки давлатда муаммолар шу қадар кўпки, ўзимизнинг шахсий муддаоларимизни қондириш билан машғул бўлиш ҳамда унга вақт ва куч-ғайратни, қозғони сарфлаш ярамайди. Мен энг аввало партия аъзоси сифатида ўзим ҳақимда гапиряпман. Биз қайта қуриш нима эканлигини ва биз бошқача йўли бўлмаган мана шу қайта қуришда бирғаликда қандай ишлашимиз лозим эканлигини шахсий намуна билан кўрсатишимиз зарур.

Сўнгра нотиқ миллатлараро муносабатлар хусусида гапирди. Украинада гарчи «зот чиқиндилари» бўлсада, деди у, бу муаммолар ижобий изга тушди. Бироқ принцип жиҳатидан олганда, республикалардан ҳар бирининг қардошларча ҳамкорлигидагина давлат гарантияланганлигини ҳамма билади, чунки баъзи республикалар Совет ҳокимияти туфайлигина ана шундай мустақил давлат ҳуқуқини олди.

РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси **С. В. Михалков** бундай деди: қайта қуриш жамиятдаги барча кучлар, жумладан адабиёт арбобларининг бирлашувини тақозо этади. Бироқ. нотиқнинг фикрича, буни журналлар ва газеталарнинг барча раҳбарлари ҳам тушунадилар, деб бўлмайди. «Калибр» заводи ишчиларининг фикрига тўла қўшиламан ва бошқа заводдагиларни ҳам айтиб ўтиш мумкин, деди у. Китобхонлар билан учрашиб туришимга ва уларнинг саволларига жавоб қайтаришимга тўғри келади. Ҳозир одамлар ёзувчи образини қандай тасаввур этмоқдалар? Ахир бугунги кунда журнал ва газеталаримизда ҳадеб у ёки бу адибни калтакламоқдалар. Бунинг кимга кераги бор, деган савол туғилади. Нотиқ бир қанча конкрет мисолларда, хусусан, «Огонёк» ва «Москва» журналларининг иккита сонида адабий мунозаралар андишасизлик билан олиб борилганлигини ва бир қанча нотўғри баҳолар берилганлигини кўрсатиб ўтди.

Унинг фикрича, ҳозир қўлдан бой берилган ижодий мунозара маданиятини қайта тиклаш айниқса муҳимдир. Бу жиҳатдан РСФСР Ёзувчилар союзи ҳам кўпроқ партиявийлик намоён этиши лозим.

**М. С. Горбачев:** Сергей Владимирович, балки, адибларимиз бир томонлама тарзда қуролсизланиш принципини қўллансалар ёмон бўлмаса керак? **(жонланиш, қарсаклар).**

Болтиқ бўйида қайта қуриш, деди ўз нутқида шоир **Я. Я. Петерс**, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ана шу республикалар учун қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, мазкур регион халқлари учун ҳам шундай аҳамиятга эга бўлмоқда. Болтиқ бўйида ҳозир социализмга ишонч қайта тикланмоқда, деб бизда бежиз айтишмаяпти. Бу ғоят муҳимдир, буни қадрлаш керак. Шу муносабат билан нотиқ марказий газеталарга, унинг фикрича Латвия, Литва ва Эстониядаги ижтимоий турмушни демократиялаш жараёнларини бир мунча холис баҳолаш истагини билдирди. Ригага таклиф этилган ҳурматли шоирлардан бири бугун менга «У ерда русча шеър ўқиш мумкин бўладими?» — деган савол берди. Мен сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, деди нотиқ, республикамиздаги одамлар қайси миллатга мансуб эканлигидан қатъий назар одамларнинг қандай эканлигини яхши биладилар. Айтайлик, Латвияда латишлар билан руслар ўртасида келишмовчилик йўқ. Фақат қайта қуриш қатнашчилари билан уларнинг муҳолифлари ўртасида зиддият бор.

Я. Петерс ўз нутқида Вентспилс шаҳрида экологиянинг аҳволи муаммоси хусусида гапирди. Нотиқ иттифоқдош республика суверенитетини мустаҳкамлаш муаммосига ҳам тўхталди. Бизнинг суверенитет тўғрисидаги талабимиз деди у, кучли марказ талабига бағрамиздир. Чунки кучли марказ заиф республикалардан ташкил топа олмайди. Ахир кучли миқдор майда қўшилувчилардан пайдо бўлмайди-ку. Агар республикаларда бутун ҳокимият Советлар қўлида бўлса, у ҳолда кучли миқдор — СССРни ташкил этадиган кучли мустақил суверен республикалар таркиб топади.

СССР Фанлар академия сининг вице-президенти **В. Н. Кудрявцев** ижтимоий фанларнинг амалий самараси мавзуига тўхталди. Қайта қуришнинг биринчи босқичида сиёсий ечимлар илмий тавсиялардан илгарилаб кетди. Сиёсий ислоҳотнинг иккинчи босқичи ҳозир илмий жиҳатдан яхши таъминланган. Бу суд ислоҳотига, маҳаллий бошқарув ва маҳаллий Советлар ислоҳотига тааллуқлидир. Ҳозир регионал хўжалик ҳисоби ўз базасига эга.

Ҳал этилмаган масалалар орасида бир қанча ғоят жиддий конкрет масалалар бор. Масалан, аҳоли турли социал табақаларининг манфаатлари шулар жумласидандир. Ижтимоий онг психологияси, айниқса миллий психология таҳлил этилмаган. Илгари миллий психология билан шуғулланилмаган. Ҳозирги замон социализми концепциясини унинг барча жиҳатлари билан бирғаликда яратиш — асосий вазифамиздир. Бу борада реалликларни таҳлил этиш керак ва моделлар зарур. Чунки модель — биз олга томон ҳаракат қиладиган мақсаддир. Башарти экономикада, сиёсатда, ижтимоий онгда, маданият ва социал психологияда мақбул моделлар бўлмас экан, бундан буён ишлаш қийин бўлади.

Ижтимоий фаннинг сиёсий практика билан ўзаро боғлиқлиги механизми тўғрисидаги, илгари бўлмаган механизм тўғрисидаги масала — асосий ташкилий масаладир. Бу масаланинг уч жиҳати бор. Биринчиси — социал буюртма. Ҳозир социал буюртманинг баъзи жиҳатлари ниҳоят пайдо бўла бошлади. Кўпроқ олимларга боғлиқ бўлган иккинчи жиҳат — таҳлилнинг теранлигидир. Ҳозирча таҳлил тўла даражада теран бўлмаяпти. Бу кадрлар билан, билим даражаси билан, жаҳон тажрибасидан фойдаланиш билан боғлиқдир. Ҳар бир фан тўғрисида шундай дейиш мумкин. Учинчи жиҳат — масаланинг бошқа томонидир. Олимлар кўпинча ўз тавсияларига жавоб олмайдилар. Эҳтимол қандайдир натижа бор, тавсиялар ечимни қабул қиладиган кишилар онгида қолиб кетади. Аммо олимлар, айниқса ижтимоий фанлар соҳасидаги олимлар гарчи техника соҳасидагига қараганда қийинроқ бўлса ҳам ўз меҳнати натижаларини кўришлари зарур.

Ёзувчи **Д. А. Гранин** уш

# ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРАЙЛИК

**(Давоми. Боши биринчи, иккинчи ва учинчи бетларда).**

Шу билан бирга ёзувчи баъзи жойларда, айниқса республикалар, областларда яна жамоатчилик ташаббуси чеклаб қўйилаётганлигидан хавотирлик билдирди. У мисол тариқасида ўтган йилнинг 30 октябрида Минскда бўлиб ўтган воқеаларга асосланди. Ёзувчининг фикрича, Белоруссияда қайта қуришда ижодкор ёзувчиларнинг роли етарли баҳоланмаяпти, айрим маданият арбоблари тўғрисида салбий фикр уйғотилмоқда.

У «мемориал» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида ҳам гапирди. Яқиндагина КПСС Марказий Комитетининг шу тўғридаги яхши қарори эълон қилинди, деди ёзувчи. Қарорда ёдгорлик Москвадан бошқа жойларда ҳам ўрнатилиши айтилган. Депутатлар комиссиялари мана шу масала билан шуғулланиши ғоят муҳимдир. Аммо ўйлайманки, ҳеч қайси депутатлар комиссияси репрессия қилинган кишиларнинг ўн минглаб ҳужжатларини тўплаган бир боланинг ўрнини боса олмайди. Ташландиқ ҳолга келтирилган қабрларни тартибга солиш керак.

**М. С. Горбачев.** Мамлакатда қидирув ишлари олиб борилмоқда. Одамлар репрессия қилинган кишилар кўмилган жойларни топишмоқда. Қабрларни аниқлаб, тартибга солиш керак. Бу борада партия ва совет органлари ғамхўрлик кўрсатиб, ёрдам беришлари керак. Жамоатчилик иштироки ҳам зарур, албатта. Ҳар иккаласи зарур. Шунинг учун ҳам қарорда комиссиялар жойларда бу борадаги ишларни жамоатчилик иштирокида олиб боришлари лозимлиги тўғрисида таклиф қабул қилиш кераклиги ёзиб қўйилган.

«Огонёк» журналининг бош редактори **В. А. Коротич** қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда мунозара маданиятини ошириш, ижодкор зиёлилар кучини бирлаштириш, зиёлиларнинг активлигини авж олдириш масалаларига тўхталди. Менимча, ҳозир ғоят қизиқарли жараён аниқланиб, амалга оширилмоқда, деди нотиқ. Халқ орасида аста-секин Совет қонунийлигига яна ишонч пайдо бўлмоқда ва шакилланмоқда. Халқаро миқёсда эришилган жуда катта ютуқларимиз яққол кўриниб турибди. Халқ баъзи бошлиқларни чўчитиб, тобора активлашиб бормоқда. Бундай бошлиқлар кўпинча маъмурий имкониятларга эга бўлиб қолмоқдалар, аммо халқ орасида янгиланиш билан боғлиқ обрў-эътиборни сақлаб қолиш имкониятини берадиган ғоявий имкониятлар йўқ. Бундай маъмурий умидсизликни тўғри баҳолаш зарур.

Барҳам топаётган маъмурий системани у юзага келтирган директив адабиёт ва санъат тиргович бўлиб қўллаб-қувватламоқда. Улар ўзаро боғлиқдирлар ва айрим ҳолда барҳам топа олмайдилар. Нотиқнинг фикрича, бир қанча арбоблар йўқолиб бораётган кенг имкониятга эгалик борасидаги ўз шахсий қулфатини мамлакат ва системанинг фожиаси, деб кўрсатишга интилмоқдалар. Бундай васваса ниҳоят ҳақиқий, ғоят мураккаб иш билан шуғуллана бошлаган жамиятда кескинлик ва таҳлика ҳолатини вужудга келтириш билан боғлиқдир.

Шуни таъкидламоқчиманки, деди сўнгра нотиқ, журналимиз ҳеч қачон бунчалик кўп миқдорда тузумимизга ва унинг имкониятларига ишонч билан тўлиб-тошган дадил, умидворлик руҳидаги хатларни олмаган эди. Биз қайта қуришни маъқулловчи жуда кўп хат оляпмиз.

Мен майда-чуйда нарсалар тўғрисида бир-биримизмизни савалашга барҳам бериш зарур, деб ҳисоблайман, деди В. Коротич. Бугунги кунда биз мамлакатда рўй бераётган қайта қуришнинг стратегик мақсади тўғрисида ўйлашимиз керак. Қайта қуриш шароитида журналист йўл қўйдиган ҳар қандай ноаниқлик ҳар биримизнинг шахсий фаровонлигимиз ва ишимиздан юқори турадиган жараёнга хавф туғдиради.

Минбарга болалар музикали театрининг бадиий раҳбари ва режиссёри **Н. И. Сац** чиқади. Ҳар бир вақтда муайян инсоний фазилат асосий ўринни эгаллайди, деди у. Менимча, халоллик давримиз учун энг асосий фазилат ҳисобланади. Мен ошкораликка қандай муносабатда эканлигим тўғрисида сўрашганида, шундай деб жавоб бераман: агар ошкоралик халолликни мустаҳкамласа, мен унинг олдида таъзим қиламан. Бироқ ошкоралик шахсий манфаатни тиқиштириш воситасига айланса, мен уни тан олмайман. Мендан қайта қуришга муносабатим қандайлигини сўрашганида қайта қуриш олдида бош эгаман, деб жавоб қайтараман. Қайта қуриш зарурдир. Аммо кимлардир қайта қуриш ниқоби остида ўз шахсий манфаатларини тиқиштирса, бундан ўч олиш учун фойдаланса, мен унга шубҳа билан қарайман.

Биз ишончсиз ва умидсиз яшай олмаймиз. Шунинг учун ҳам Коротич «ҳаддан ошиш»ни бошлаган пайтда, мен унга «Огонёк» журнали ҳаддидан ошмоқда дейман.

Улуғ Октябрь революцияси, деди сўнгра у, яна шундай мўъжизани очиб берди. Қорни тўйиб нон емаган камбағалларнинг фарзандлари бирданига ўз театрларига, маданият масканларига эга бўлдилар, ўзлари учун яратилган музикани тингласа имкониятини олдилар. Н. И. Сац мамлакатимизда болалар музикали театрининг ташкил топиш тарихи тўғрисида санъатнинг чинакам фидойилари, совет ижодкор зиёлиларининг анъаналари ва одоби, уларнинг инсонпарварлик ва жамиятни социалистик янгилаш идеалларига хизмат қилиши тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашди. Унинг нутқида болалар ва ўсмирларга аталган саҳна асарларининг ғоявий-бадиий, эстетик ва ахлоқий савияси учун режиссёрларнинг масъулиятини ошириш, бунда одоб, мезон ва дид туйғусига риоя этиш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Маданият, идеология, адабиёт соҳасида қайта қуриш баъзан қандай бораётганлигидан ғамгин ўйга толаман, деди «Молодая гвардия» журналининг бош редактори **А. С. Иванов.** Унинг фикрича, «Огонёк» журнали, «Московский новости» газетаси, Латвияда чиқадиган «Родник» журнали ва шу каби баъзи совет нашрлари кўпинча майда буржуа ва буржуача қарашларни тарғиб қилмоқдалар. Бундай қарашларга зарба берадиган бошқа нашрлар очиш керак. Шундай имкониятларни вужудга келтириш зарур.

Ғоявий кураш давом этиб келган, ҳозир ҳам давом этмоқда ва бундан буён ҳам давом этаверади. Ошкоралик, демократия, қайта қуриш бизга ҳаводек зарур. Бу нарса аниқ-равшан. Аммо шу нарса ҳам равшанки, қаерда маънодан четга чиқилса, эътибор бошқа соҳага қаратилса, унда ошкоралик, демократия, «қайта қуриш» сўзи ниқоби остида бу тушунчаларга қарама-қарши мақсадлар учун курашиш мумкин бўлади...

**М. С. Горбачев.** Бу тўғри, аммо мен қайта қуриш халқ орасига чуқур кириб борган, барча муассасалар, турмушнинг барча соҳаларини қамраб олган ва табиийки, катта мунозаралар, баҳсларга сабаб бўлган босқичда баъзи олимлар, зиёлиларнинг бошқа вакиллари орасида тараққиёт ва қайта қуришни авж олдириш тўғрисида сиёсий кураш кескинлашиб кетади, деган назарияни олға суриш истаги пайдо бўлишидан хавотирдаман. Дарвоқе, мен буни олинаётган хатлардан сезиб турибман. Биз қайта қуриш қатъият билан бораверамиз, биз унга содиқмиз, бироқ бебошлик ёки аксинча, «қаттиққўллик» билан эмас, балки демократия, ошкоралиқ ва масъулият, тартиб билан қайта қуриш йўлидан қатъият билан бораверамиз.

Гарчи биз шундай хулосага келган эканмиз, гарчи ахлоқ, социалистик идеал тўғрилигига, бу тузум халқ учун ўйлаб топилганлигига ва у ўзини намоён этиб, инсонни бутун ижтимоий турмушнинг асосий фигурасига айлантиришга ишонч ғалаба қозонган экан, келинглар, мана шу тузумга муносиб бўлайлик ва ўзимизнинг ҳам, айниқса бошқаларнинг ҳам номақбул одатларини қўлланмайлик. Ахир, биз ҳамма нарсага — интеллектуал потенциалга ҳам, жуда катта ресурсларга ҳам, ўз мамлакатини севувчи билимдон халққа ҳам эгамиз. Бу халқ бизни ўраб олган, ушлаб ва кишанлаб турган, олға томон боришимизга ҳалақит берган барча нарсаларни улоқтириб ташлашга қодирдир. Келинглар, ўртоқлар, ишлар тўғрисида принципиал позицияларда туриб, аммо бир-биримизга ҳурмат билан, амалий руҳда, бир-биримизга айб қўймай, муҳокама юритайлик. Биз бир-биримизни тушунишимиз керак. Энг муҳими, халқ қайта қуришни зўр эътибор билан кузатиб турганлигини унутмаслигимиз лозим.

**А. С. Иванов.** Менинг хавотирланишим равшан бўлиши учун мисол келтиравман. «Юность» журналининг 12-сонида Войновичнинг «Солдат Иван Чонкиннинг ғаройиб саргузаштлари» романини ўқидим. Асар менинг назаримда, жаҳонни фашизмдан халос этган Совет Армияси ва совет солдатига туҳматдан иборат.

Шоир **Е. А. Евтушенко:** Ҳар қандай жамиятнинг маданияти, аввало, инсон қадр-қиммати маданияти билан белгиланади. Қайта қуриш ниқтисодий ва маънавий муаммоларини ҳал этиш калити — ҳар бир гражданнинг шахсий инсоний қадр-қиммати кўтаришда, мамлакатимиздаги ҳар бир халқнинг миллий қадр-қимматини кўтаришдадир. Шахсий ва миллий қадр-қиммат қаторя яна бир қадр-қиммат борки — бу интернационализм қадр-қимматидир.

Улуғ давлатчилик шовинизм ҳам, мустақилликни қарор топтиришни рўкач қилиб, рус халқининг жаҳон тарихига қўшган ижобий ҳиссасини йўққа чиқаришга уринаётган бошқа барча бачкана худбинлик, миллатчиликлар ҳам тубан ижтимоий-сиёсий маданиятдир, қадр-қимматни тушунишнинг тубанлигидир.

Барча халқларнинг душманлари бир хил. Бу — урушлар, табиий офатлар, касалликлар, тирикчиликнинг ҳар кунги оғир ташвишлари, ўзаро ишончсизлик, арксизлик, бюрократия, инсон шахсининг ҳар қандай йўсинда эзилиши, инсон қадр-қимматининг ҳар қандай йўсинда камситилишидир.

Нотиқ тақчилликлар ҳақида гапирар экан, китоб етишмовчилигини энг оғир тақчиллик, деб атади. У кранчи бўлиб ишлайдиган китобхон аёлнинг фикрини келтирди: «Эмалик билан панднасиҳат қилинган брошюраларни чиқарамиз, деб Сибирь тайгасидаги ўрмонларнинг ярмини қирқиб ташлашди». Идоралар ўртасидаги ёзишмаларга ва шунга ўхшаш ёзишмаларга жуда кўп қоғоз сарфланмоқда. Мамлакатда эса китоб етишмай турибди.

Назаримда, деди пировардида нотиқ, уч қадр-қимматнинг — шахс қадр-қиммати, миллий қадр-қиммат ва интернационал қадр-қимматнинг бирлашуви қайта қуриш муваффақиятининг гаровиди. Булар чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Қайта қуриш муваффақият қозонмас экан, социал қадриятларимизни мустаҳкамлаш, партия обрўсини мустаҳкамлаш мумкин эмас ва энг асосийси, одамлар учун уларга муносиб ҳаёт, меҳнат шароитлари, кишиларнинг маънавий қобилиятларини ривожлантириш имкониятларини яратиш мумкин эмас, деди ўз сўзида СССР Фанлар академияси экономика институтининг директори, академик **Л. И. Абалкин.** Мақсадларнинг аниқ-равшанлиги, қайта қуриш назарияси, ана шу сиёсий йўлнинг тўғрилиги хусусида шак-шубҳа йўқ, аммо баъзан ниқтисодий вазифаларни ҳал этиш тактикаси, ёндашувлар ва усуллар ташвишга солмоқда. Афсуски, кампаничилик ёндашувдари аломати «Сим-сим, оч эшигингни!» дейилганида, ғойибдан хазина пайдо бўлганидек, осон ечимларни қидириш ва бу ечимларни барча муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган ягона восита, деб билиш кўзга чалиниб турибди. Биз бригада пудрати учун курашган эдик, ҳозир ижара пудрати учун курашямиз. Баҳслашишга ҳожат йўқ, бу энг прогрессив формалардан биридир. Лекин буни кампанияга айлантириб юбориш зарурми? Болтиқбўйида ва Ўрта Осиёда турлича формалар таркиб топиши мумкин. Барча формаларни бир қолипга солиб бўлмайди.

**М. С. Горбачев.** Ҳатто ёнма-ён жойлашган колхоз ва совхоз турли йўлни танлаб олиши мумкин...

**Л. И. Абалкин.** Майли ўзларига мос келадиган формани қидириб танлаб олишаверсин. Бунинг учун биз нинг барча қарорларимиз ва қонунларимиз кескин бўлмай, балки танлаш, маневр ва таққослаш учун етарлича имконият бериши керак. Ижарасиз ишлашмоқчи экан, майли, ишлашаверсин. Исташмаётган экан, фойдаланмай қўяқолишсин. Ҳаётнинг ўзи орадан иккиуч йил ўтганидан кейин уларни шу йўлга солади.

Шароитлар ўзгараётган экан, исҳоҳотнинг мақсадларидан ҳам, пировард мазмунидан ҳам воз кечмай, тактикани ўзгартириш керак. Экономикани соғломлаштириш программаси икки-уч йилга мўлжалланган жуда катта туб тадбирлар программаси зарур ва мазкур программани СССР халқ депутатлари съездига тақдим этиш зарур бўлади чоғи.

«Дружба народов» журналининг бош редактори **С. А. Баруздин** миллатлараро муносабатлар муаммолари хусусида тўхталар экан, бу муаммоларни дарҳол ҳал этиш керак, чунки буларнинг кўпчилиги чигаллашиб кетган, деган фикрни айтди. Бу ўринда нотиқ, унинг фикрича, Қрим область Боғчасарой районидаги ҳокимият органларининг бу ерга доимий яшаш учун кўчиб келган айрим татар оилаларига нисбатан нотўғри хатти-ҳаракатларига тўхталди.

Нутқда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан зарур назорат йўқлиги таъкидланди. Масалан, ўтган йили адабий-бадиий журналлар тўғрисида иккита қарор қабул қилинган эди. Муаллифлиқ ҳуқуқи ҳақида янги Қонунга имзо чекилган эди, унга кўра, ёзувчининг амалдаги қалам ҳақи бир ярим баравар ортиши лозим эди. Аслида нима бўлди? Нашриётлардаги, нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетидаги ўртоқлар ана шу қарорлардан фақат бир бандини дастак қилиб олишди, у ҳам бўлса, барча «қалин» журналларга битта халқаро шарҳловчи штати беришди. Қарорлардаги бошқа кўрсатмалар сувга уриб кетди. Нотиқ нашриётчиликдаги ҳал бўлмаган муаммоларга тўхталди.

— Мен учун энг қадрли нарса—менинг оилам, менинг илм-фаним, ҳозир эса бизнинг қайта қуришимиз, менинг қайта қуришимдир, — деди академик, СССР Медицина фанлари академияси экспериментал медицина институтининг директори **Н. П. Бехтерева.** Қайта қуриш дейилганида мен, менинг кўнглимга яқин бўлмаса ҳам, аммо мен қурбим етганча ҳисса қўшишим лозим бўлган ишни тушунмайман. Қайта қуришнинг маъзи-маъносини ҳақиқатан ҳам тушуниб олган барча кишилар учун қайта қуриш ўз хонадони, ўз ишидек қадр-қимматли ва ҳатто бундан ҳам афзал иш бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Қайта қуриш тарафдорлари ва унга қарши бўлган кишилар фаолияти бир қанча чорраҳаларда тўқнашмоқда. Сталин тўғрисидаги масалада қиличбозлик бўлмоқда. Бу шахсга нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак? Унда фазилатлар бўлганмиди, ё бўлмаганмиди, ўз қилмишлари учун ўзи жавоб бериши керакми ёки бошқалар билан биргаликда жавоб бериши керакми? Шунга ўхшаш саволлар пайдо бўлмоқда. Мен шу масала хусусида ўз фикримни айтмоқчи эдим ва ўз фикримни айтишим керак, чунки, «Литературная газета»да Сталиннинг паранойя (руҳий касаллик) дарди ҳақида ёзишди. Сталин, шубҳасиз, жиноятчидир ва унга жиноятчи сингари муносабатда бўлиш керак. Паранойя дарди, эҳтимол бўлгандир, мен бу ўринда бувам қўйган диагнозга қарши ҳам чиқа олмайман, бу диагнози ҳимоя ҳам қила олмайман, аммо паранойя дарди қилмишлар учун жавобгарликни бекор қила олмайди. Паранойянинг ўзи ҳар қандай жавобгарликдан ҳам ҳоли этмайди. Бу дард эзгу ишлар учун мукофотдан ҳам, тарих ҳукмидан ҳам ҳоли этмайди. Оқлаш юзасидан ишларни кўриб чиқиш жадаллашаётганидан жуда хурсандман. Бу тадбирларни, шубҳасиз, имкони борича тезроқ ўтказиш керак.

Шундан кейин Н. П. Бехтерева инсон мияси одамнинг танг қоладиган даражада мураккаб аъзоси эканлиги ва мияни ўрганиб бориб, биз жамиятдаги жуда кўп ҳодисаларни, социал воқеаларни ўқиб олишимиз мумкинлигини айтди. Жамиятдаги ҳодисалар ва социал воқеалар, мия ишининг қонуниятлари билан шу қадар боғлиқ-ки, миямизда пишиб етилмасдан жаҳонда бирон-бир ҳодиса содир бўлмайди. Ҳозир инсон миясини, интелликтини ўрганишда мамлакатимизда батамом янги имконият пайдо бўлди, бу имконият илгари бўлмаган эди, бизда инсон институти очилади. Инсон, унинг мияси қонуниятларини, унинг ишлаши қонуниятларини билиб олар эканмиз (бу институт ишининг негизи бўлиши керак), биз шу тахлитда инсоний ҳамжиҳатлигимиз масалаларини ҳам анча тўлароқ уқиб оламиз, бу эса, табиийки, қайта қуришга хизмат қилади, деб умид қиламан.

Ёзувчи **И. П. Друцэ:** Оддий инсон овозининг янграётганлиги қайта қуришнинг буюк ғалабасидир. Агар биз оммaнинг, халқнинг овозидан маҳрум бўлиб қолсак, унда биз халқ ақл-идрокидан маҳрум бўламиз, шундай қилиб, халқ нуфусгагина айланиб қолади, бунга эса биз сира йўл қўймаслигимиз керак. Агар биз халқда ор-номус туйғусини уйғотмасак, унга меҳнаткашликни қайтадан бахш этмасак, эл-улус наздидаги ахлоқ-одобни қайтадан тикламасак, буларсиз биз олға қараб бора олмаймиз.

Нотиқ, иккинчи муаммо — экология хусусида ҳам тўхталди. Бу муаммо ниҳоятда мураккаб ва ўзгарувчандир. Жанубда, Молдавияда, нималар бўлмоқда? Молдавия қишлоқларида 120 минг қудуқ бор, шифокорларнинг фикрича, кўпчилик қудуқдаги сувлар яхши эмас.

Нотиқ тилга олган яна бир муаммо ҳуқуқий давлатни тузишга тааллуқли бўлди. «Халқчиллик» тушунчасининг «илиги»ни шу қадар қоқиб ташлашдики, бу деярли «эгасиз» деган маънони англатадиган бўлиб қолди. Масалан, Сосновка қишлоғида 5 минг гектар ер бор. Ер кимники? Халқники. Хўш, бу ерда халқ ким? Сосновкаликлар. Демак, ўша 5 минг гектар ер сосновкаликларнинг ери, уларнинг мулки. Агар биз шуни тушуниб олсак, пестицидлардан қутуламиз, ана ўшанда ҳосилни ҳам кўтара оламиз.

Нотиқ ўз нутқида давлат ва черковнинг ўзаро муносабатлари масалаларига ҳам тўхталди.

Назаримда, жамиятимизда, давлатимизда, халқимиз ўртасида ўтмиш асорати тариқасида, ҳар қалай сунъий узилиш бор, деди кинорежиссёр, СССР Кинематографиячилар союзи правлениясининг секретари **Р. А. Биков.** Биз кўпинча юмушларимизни муассасаларга хос тарзда, алоҳида-алоҳида идрок этамиз. Бизда баъзи одамлар маданият, бошқалари экономика, учинчилари эса моля билан шуғулланадилар. Аммо одам биттадир, юқорида биз санаган омиллар унинг ҳаётига пайваста бўлиб кетади, булар бир-бири билан боғлангандир.

Тарбияга ва бутун ҳаётимизга инсонийлик бахш этиш — узлуксиз жараёндир. Шу нуқтан назардан таълимга, уни такомиллаштиришга маблағни аямаслик керак. Биз инсонни қай тахлитда вояга етказаётганлигимиз тўғрисида ўйлаб кўришимиз лозим, деди у. Ўша «тежамкор» экономика, ўша имконни борича кам-сарф-харажат қилишга даъват этган ва шу билангина ажралиб турган экономика ва шундай қилиб бадавлатроқ бўламиз, деб жар солган экономика ўзини оқламади. Нотиқ шу нуқтан назардан болалар кинематографиясидаги аҳволни таҳлил этди.

Болалар киносини таълим муаммолари, маданий қурилиш, иқтисодий муаммолар, электроника муаммолари билан ўзаро боғлиқ тарзда равнақ топтириш мумкин. Бу ишларнинг ҳаммасини рўёбга чиқарса бўлади. Агар пул йўқ экан, давлатимизда мустақилликдек яна бир рентабеллик бор. Мустақиллик бўлиши керак, кимки иш учун жон қуйдираётган бўлса, унга ишониш керак.

СССР Фанлар академияси АҚШ ва Канада институтининг директори, академик **Г. А. Арбатов:** Ташқи сиёсат — қайта қуришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бу борада сон ўзгаришлари йиғилиб келаверди, бу ўзгаришлар, сўнгги ярим йилда, эҳтимолки, айниқса сўнгги ойларда сифат касб эта бошлади. Чет эллардаги кишилар ҳозирнинг ўзидаёқ, Совет Иттифоқида бошланган ва амалга оширилаётган ишлар умумбашарий аҳамиятга молик воқеа эканлигини ва бутун инсониятнинг келажаги ана шу воқеага боғлиқлигини уқиб ола бошладилар.

Академик экономика соҳасига тўхталиб, тақсимлаш соҳаси тўғрисидаги масала деярли кўтарилмаётганлигидан хавотирланаётганлигини айтди. Биз ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштирмоқдамиз, аммо ҳамма нарса, худди «қора ўпқон»даги сингари, савдода, умумий овқатланишда, асраш ва қайта ишлашда ғойиб бўлиб кетмоқда.

Нотиқ кооперативларда, умумий овқатланиш давлат шохобчасида кўпгина англашилмовчиликлар, муттаҳамликлар борлигини таъкидлади. Одамлар ишлаётган шароитнинг ўзи ҳам кўпинча нопоклик ва чалкашликларнинг авж олишига имкон яратади. Эллигинчи йиллардаёқ қонунлаштирилган ўғирлик нормалари қарор топган эди.

**М. С. Горбачев.** Тақчиллик — шуларнинг асорати, чоғи. Биз ВЦСПСга бутун мамлакатда ялписига назорат, ишчи назорати уюштиришни топширдик. Бу назорат, эндигина ишга киришмоқда. Тақчиллиқдан фойдаланиб, бойлик орттиришмоқда, чайқовчилик қилишмоқда. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш билан бир қаторда тақсимлаш масалаларини ҳам пухта қўлга олиш керак.

«Знамя» журналининг бош редактори **Г. Я. Бакланов** ўз нутқини қайта қуришнинг бир қанча иқтисодий ва маънавий муаммоларига бағишлади. Жумладан, магазинларимизда товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг бир қанча турлари тақчил бўлиб турганлиги, нотиқнинг фикрича, тасодифий эмас. Одамлар бу — қайта қуришга қаршилик қилишдир, деб айтмоқдалар. Назаримда, бу — жиддий ишдир. Ҳозир эса навбатдаги икки йил жуда муҳимдир, деб сўзини давом эттирди нотиқ. Шу икки йил ичида магазинлардаги аҳвол яхшиланиши керак.

**М. С. Горбачев.** Бир ижарачидан ижаранинг нимаси маъқул? Кўпроқ пул топаётганингми? — деб сўрашибди. Ҳа, ишлаб топаяпман, дебди у. Аммо менга ўхшаган одамларнинг ҳунари бор, тракторим ҳамиша ишга шай ва мен доим яхши пул топаяпман. Илгари ҳам мен учун пул топиш муаммо бўлмаган эди. Бу ишнинг менга мақбул жиҳати шундаки, ўйлаб қўйган ишларимни рўёбга чиқара оламан. Келажак ҳақида ўйлайман. Одам қаддини ростлади, худди шу нарса мен учун муҳимдир. Шу боисдан ҳам ҳамма нарсани пулга ёки мол-мулкка чақиб бўлмайди...

Мен магазинда у ёки бу товар бўлмагани учун халқимиз қайта қуришдан юз ўгириб кетишига сира-сира ишонмайман. Жуда оғир синовлар даврида ҳам халқ социализмдан юз ўгирмади. Одамнинг ишга боргиси келаверадиган, инсоннинг қадр-қиммати ҳурмат қилинадиган вазият қарор топса, сурбетлик камайиб, сенинг фикр-мулоҳазангни эшитишни исташса, халқ магазинда бирон-бир товар камлиги учун қайта қуришдан воз кечмайди. Сен айтган таклифлар эндиликда амалга оширилаётган бўлса, халқ қайта қуришдан юз ўгирмайди. Мен одамларимизни билганим учун, улар бундай қилмасликларига ишонаман, аммо, ҳар қалай, одамлар таъминотини йўлга қўйиш биз учун ниҳоятда муҳимдир ва бунинг учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз, албатта.

Г. Я. Бакланов сўзини давом эттириб, «Знамя» журнали ва унинг муаллифлари, агар номақбул мунозара бораётган бўлса, улар бошқа нашрлар билан ана шундай мунозарада иштирок этишга қатъий қаршидирлар, деб таъкидлади. Кўрслик билан баҳо бериш, сер зардалик — буларнинг ҳаммаси совет зиёлисига ярашмайди, муштарак ишимизга зиён етказади.

Ёзувчи **В. П. Астафьев.** СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида яқинда қабул қилинган қонунинг ўз вақтида қабул қилинганлигига шубҳаси борлигини айтди. Красноярск шаҳрида меҳнаткашларга митингни... оролда ўтказишни таклиф этишди, деди у. Ахир бу демократиямми? Нотиқ, ўз назарида, жойларда митинглар ва намойишлар ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда ортиқча эҳтиёткорлик чораларидан дарак берувчи фактларни тилга олди.

**М. С. Горбачев.** Эътиборингиз учун қуйидагиларни айтмоқчиман: митинглар ва намойишлар ўтказишга рад жавоблари бор-йўғи олти-етти процентни ташкил этади. 93—94 процент ҳолларда ижозат берилган. Бу—биринчидан. Иккинчидан эса, эҳтимол, шундай ҳоллар ҳам бўлади ва бўлиши мумкинки, қонунга риоя қилиш лозим бўлган одамлар, қонунга ҳам, ахлоқ-одобга ҳам зид иш тутадилар. Биз бундан ҳолимиз, деб айта олмаймиз, албатта. Бутун дунёда, бу хусусда ниҳоятда қатъий қонун-қоидалар бор. Одамлар ҳали у ерда, ҳали бу ерда пайдо бўлган хавфдан таҳликага тушиб қолган эдилар. Ишчилар, деҳқонлар, одамларнинг кўпчилиги кафолат бериладиган тартиб ўрнатилишини адолатли тарзда талаб қилдилар. Агар марказ Арманистон ва Озарбайжонда миллатлараро заминда можаролар етилиб қолган бир вақтда қатъий ва шошилинч тадбирлар кўрмаганида нима бўлур эди? Бундай қонун халққа қарши бўлмай, халқ манфаатини ўйлайди. Бу қонунни биз ўзимиз қабул қилдик. Виктор Петрович, сизни дангал ва рўйрост гапирадиган одам сифатида биламан ва сизга ишонишга тайёрман. Жойнинг ўзида аҳволни пухта ўрганиш ва мазкур қонун қандай қўлланилаётганини назардан ўтказиш керак.

Сўз РСФСР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси **М. А. Ульяновга** берилади. Мен, деди у. Россия ёзувчиларининг пленуми тўғрисида кўп гапларни эшитган эдим ва яқинда мазкур йиғин стенограммасини ўқиб чиқдим. Мен ёзувчиларнинг ишларига сира аралашмоқчи эмасман. Аммо, ушбу пленум руҳи мени хавотирга солди. Одамлар бошқача нуқтан назарни айтаётган кишилар билан зардаси қайнаб курашаётгани мени ларзага солди. Умуман, эҳтиролар, гиж-гижлашлар, туйғуларнинг жунбушга келиши, тўқнашувлар бизда авж олиб кетди ва бу ниҳоятда хавфлидир! Жуда хавфлидир! Шу боисдан ҳам мен бу ерда ташвиш билан айтилган кўпгина фикр-мулоҳазаларга қўшиламан. Ўша эҳтиролар ва гиж-гижлашлар қайта қуришга ёрдам бермайди, бу аниқ-равшандир.

Мен Сталин репрессияларни жабрдийдаларига ёдгорлик барпо этиш комитетининг аъзоларидан бириман. Ҳозиргача, 600 минг сўм тўпланди, анчагина валюта ҳам тушди. Маданият министрлиги эндиана шу обидани қўрмоқчи эканлигини газеталардан ўқидим. Бу — жуда соз. Халқ эна шу қурилишда ўзи иштирок этиш ниятида пул йиғган эди, хўш, нега энди, ана шу обида, ёдгорлик, архив, музей бунёд этиш учун ана шу пулдан фойдаламаслик керак?

Ҳозир бизнинг бутун ҳаётимиз аслида қайта қуришдир, деди «Новий мир» журналининг бош редактори **С. П. Залигин.** Агар қайта қуришга ошкора агрессив тазйиқ ўтказиладиган бўлса, бу сира хавфли эмас. Бу бизни жипслаштиради. Ўқувсизлик билан ҳимоя, қайта қуришни бадном этадиган ҳимоя —бу бошқа нарса. Ҳақиқатни ёлғон-ящиқ воситалар билан ҳимоя қилиб бўлмайди. Ҳақиқат ўзига ўхшаш ҳақиқат воситаларини талаб этади. Биз эса, ҳимоя қила туриб, кўпинча уни бадном этиб қўймоқдамиз. Афсус-надомат билан айтишим керакки, Ёзувчилар союзида бўлганидек, бадном этишгача йўл қўйиб бердик. Бундан 3—4 йил муқаддам ҳозир у ерда вужудга келган вазиятни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Шундай бўляптики, ёзувчилар гўё ҳаммага ўргатишяпти, ўзаро эса ана шундай даражагача бориб етишган.

Нутқларда жамоатчилик фикрини шакллантириш, долзарб иқтисодий ва экология муаммоларига, маданият арбобларини жипслаштиришга, ҳозирги дунёда фаннинг ролига катта эътибор берилди. Менимча, деди С. П. Залигин, ҳаётимизнинг энг муҳим муаммолари, ғоявий муаммолар, фараслар тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Чунки биз уларни ҳаётимизнинг ҳозирги кундалик муаммолари билан чалкаштириб юбормоқдамиз. Булар бир хил нарсалар эмас. Доимий муаммолар ҳам борки, уларни биз эртага эмас, айни ҳозир ҳал қилишимиз лозим.

— Интернационализмсиз яшаш мумкин эмас, деди ёзувчи, Арманистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси **Р. К. Ованесян.** Қаерда бўлмасин, ҳамма жойда миллатлараро нифоқни келтириб чиқарувчи барча сабабларни тугатиш керак.

**М. С. Горбачев.** Бизда икки томон — Озарбайжон ва Арманистон делегатлари иштирокида Сиёсий бюронинг менинг раҳбарлигимдаги комиссияси тузилганлигини эслатиб ўтмоқчиман. 11 январь куни биз қийин масалани муҳокама қилишни тугаллашимиз керак. Зилзила юз берганлиги туфайли бу масалани муҳокама қилишни тўхтатишимизга тўғри келган эди. Даҳшатли офат юз берди. Аммо 11 январь кунига ана шундай учрашувни белгилаганмиз.

**Р. К. Ованесян.** Арман халқи номидан Михаил Сергеевич, шаҳсан Сизга, Николай Иванович Рижковга, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бутун составига, табиий офат билан боғлиқ шафқатсиз, фожиали синов соатларида мисли кўрилмаган маънавий ва моддий ёрдам кўрсатган ёзувчиларга, ташкилотларга миннатдорчилигимизни изҳор қилмоқчиман. Республика газеталарида ҳукумат ва Марказий Комитет қарорининг батафсил баёни эълон қилинди, қарорда зилзиладан вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни тиклашга қайси республика қандай ҳисса қўшиши муфассал баён қилиб берилган.

Нотиқ миллатлараро соҳадаги қайта қуриш тўғрисида гапириб, Ленин кичик ва катта миллатларнинг уюшмалари тенг ҳуқуқли асосда кирадиган ана шундай федерацияни орзу қилганлигини айтди.

Арманистонда қайта қуришни, деди нотиқ, халқ қабул қилди, қайта қуриш ғояси биз учун ташна ерга ёққан ёмғирдек бўлди.

**М. С. Горбачев** учрашувга якун ясаб, бундай деди:

Катта ва муҳим гап бўлди, деб ўйлайман. Бундай ўзига хос маслаҳат механизми Марказий Комитетга, Сиёсий бюрога зарур. Илмий ва бадиий зиёлиларнинг таниқли вакиллари билан учрашув доимий тус олиши лозим. Бугун ҳамма ҳам ўз фикрини айтишга улгурмади. Бундан ўртоқлар хафа бўлмаса керак, деб ўйлайман. Агар кимдаки ўзи айтмоқчи бўлган фикрни бизга етказмоқчи бўлса, мен ҳам, раҳбариятдаги бошқа ўртоқлар ҳам хизматингизга тайёрмиз.

Мен учрашув ўтган муҳитдан мамнуниман. Мана шундай суҳбатдан кейин бизда қайта қуриш йўқ ёки қайта қуриш тамом бўлди, деб исботлаб кўр-чи? Қайта қуриш қалбимизга жо бўлиб қолди, Сергей Павлович Залигин яхши айтди: «Биздан қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани чиқариб ташласалар, фақат қобиқ қолади». Биз бир-биримиздан жуда кўп фойдали ва муҳим гапларни эшитдик. Бунинг аҳамияти катта, ўртоқлар.

Қайта қуришнинг янги босқичи муносабати билан мен билдирган ғашвишга ҳаммаларингиз қўшилдиларингиз, деб ўйлайман. Қайта қуришнинг ҳамма йўналишларида олға томон ҳаракат қилиш керак. Шундагина муваффақиятга умид қилиш мумкин. Бизнинг жипслашишимиз зарурлигини ҳаммангиз тушуниб етдингиз, деб умид қиламан. Ҳар қандай йўл билан жипслашиш эмас, балки қайта қуриш сиёсатига содиқлик йўлида, социалистик қадриятларимиз негизида жипслашиш лозим. Қайта қуришни олға силжитиш учун, бунёдкорлик ишларига ҳамма соҳаларда — экономикада, сиёсий жараёнда, маънавий ҳаётда биз қийинчилик билан уддалаётган ишларни қўллаб-қувватлашга зўр бериш учун ана шундай қилиш керак.

Биз фикрлашиб, баҳслашиб, қиёслаб, ана шу жараённи бойитишимиз лозим. Ҳеч қ